БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 70 (1074)

5 АПРЕЛЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети сессияси қарорлари областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда (1-бет).

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар (1-бет).

Будапештда Венгрия озод қилинган кунга бағишланган тантанали мажлис (1-бет).

Илғорларга қўчма Қизил байроқ берилди (1-бет).

УЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИДА: **Чигит экишни ўтказиш ва вегетациянинг дастлабки даврида ғўза парваришини ташкил этиш юзасидан тавсиялар** (2-бет).

Ерларни сифатли тайёрлаб, чигит экишни ҳамма жойда кучайтириб юборайлик! В. Шодмонов, Н. Рихсиев. — Сўз бердикми, албатта бажарамиз. **Б. Халилов.** — Бекободда чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳамма имкониятлар бор (3-бет).

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН: **Х. Абдусаматов.** — Сатиранинг баъзи масалаларига доир (3 ва 4-бетлар).

Самимий кутиб олиш (4-бет).

Албания меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленуми (4-бет).

Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитети 6-пленумининг қарори (4-бет).

Қишлоқ партия ташкилотларининг ҳозирги энг муҳим вазифаси

Коммунистик партиямизнинг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги тадбирларини бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллади. СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси мўлжалланган бу тадбирларни қўллаб-қувватлайдиган ва бутун совет халқининг ҳоҳиш-иродасини ифодалайдиган Қонун қабул қилди.

Областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини амалга оширабориб, катта ташкилотчилик ишларини ўтказдилар. Бунинг натижасида ҳозиргача областимиздаги 60дан ортиқ колхоз МТСлардан барча зарур техникани сотиб олди. Бу колхозлар эндиликда ҳамма ишларни тўла механизациялаштириш ва ҳосилни ошириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Шуни ҳам мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, МТСларни қайта қуришнинг ҳозирги дастлабки давридаёқ трактор-чилар ишлаш учун жон-дил билан колхозларга бормоқдалар.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тадбирлари амалга оширилаётган ҳозирги янги шароитда қишлоқ район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг роли янада ошади. Улардан қишлоқ хўжалиги экономикасини юксалтиришда ҳар тарафлама чуқур ўрганиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш юзасидан оператив ва конкрет чоралар кўриш талаб қилинади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қолоқ колхоз ва бригадаларни илғорлар даражасига етказиш жуда муҳим резерв ҳисобланади. Бу масала билан доимий равишда шуғулланиш, қолоқ хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, энг яхши юқори ҳосил усталарини кам ҳосил олаётган колхоз ва совхозларга юбориш, бошланғич партия ташкилотлари учун ташаббускор ва тажрибали раҳбарларни танлаш ҳамда уларга кун сайин амалий ёрдам кўрсатиш район партия комитетларининг бевосита бурчидир.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш муносабати билан ҳозирги вақтда механизаторларнинг жуда катта армияси колхозларга ўтмоқдалар. Биргина Октябрь районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов раислик қилаётган «Шарқ юлдузи» колхози 100 тракторчини ўз аъзолигига қабул қилиб олди. Энг яхши механиклардан Х. Тўхтабоев ва А. Жўраев ўртоқлар трактор далачилик бригадасига моҳирлик билан бошчилик қилмоқдалар. Улар бу йил дала ишларини тўла механизациялаштириб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Б. Султонов) правление билан бамаслаҳат механизаторларга зарур модий ва маданий-маиший шароит яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг иш унуми юқори бўлмоқда ва чигит экишга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Техникани сотиб олган бошқа бир қатор колхозларда ҳам худди ана шундай қилинмоқда.

Колхозларга ишлаш учун келаётган механизаторлар орасида коммунист ва комсомоллар оз эмас. Шундай экан, колхоз партия ташкилотларининг вазифаси — ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишдан иборат. Коммунистлар эса колхоз экономикасини юксалтиришда шахсий намуна кўрсатишлари, давлат планларини ва юқори ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашнинг олдинги сафларида боришлари керак.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни жиддий равишда яхшиламасдан туриб муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам даставвал қишлоқ бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва уларнинг жангговарлик қобилиятини ошириш — район партия комитетларининг диққат марказида туриши лозим.

Партия ташкилотлари колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг ғайрат-ташаббусини кўкламги экишни муваффақиятли ўтказишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва аввало пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида олинган мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишлари керак. Ҳолбуки, кўпгина колхозларда, жумладан 2-Бўка МТСи зонасидаги қишлоқ хўжалик артелларида чигит экиш олдидаги ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ҳали ҳамма участкалар ҳайдаб бўлинмаган, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Квадрат-уялаб чигит экиш учун кадрлар ва техника тўла равишда тайёрланмаган. Район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари омма орасида ташкилий иш олиб бориш, кўкламги дала ишларига колхозчиларни тўла сафарбар этиш, бу соҳада коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш масаласи билан етарли шуғулланмаётирлар. «Социализм», «Гулистон», Бушуев номли, 6-«Кўкорол» ва бошқа бир қатор совхозларда ҳам ҳалигача кўпгина майдонлар экишга тайёр эмас.

Бундай камчиликларга тезда барҳам бериб, экишга тайёргарлик ишларини ҳар томонлама қизитиб юбориш ва бу соҳада социалистик мусобақани кучайтириб, унга бошчилик қилиш қишлоқ партия ташкилотларининг ҳозирги энг муҳим вазифасидир.

Илғорлар тажрибасини амалда пропаганда қилиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашдаги муҳим фактор эканлиги маълум. Шунга кўра партия ташкилотлари илғор тажрибаларни пропаганда қилишни қайта қуришлари, энг яхши хўжаликларга бориб уларнинг тажрибаларини ўз жойида ўрганишни ташкил этишлари зарур.

Янги механизатор кадрлар тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, қишлоқ хўжалигида ишнинг муваффақиятини механизаторлар ҳал қилишини назарга олиб, уларга зарур модий ва маданий-маиший шароит яратиб бериш, шу билан бирга колхозларда қабул қилиб олинган техникани нормал сақлаш ва улардан фойдаланишда тартиб ўрнатиш зарур.

Район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари комсомол ташкилотларига раҳбарликни кун сайин кучайтиришлари, уларнинг комсомол-ёшлар бригадалари ва звенолари тузиш юзасидаги ташаббусларини, ёшлар ўртасида зонгдор механизаторлар Тюнко ва Кенжаев ўртоқларнинг тажрибасини кенг жорий қилишлари, пахта ҳосилини янада оширишнинг қўшимча резервларини кидириб топиш учун бутун имкониятларни ишга солишлари зарур.

Колхозчилар ўртасида СССР Олий Совети биринчи сессиясининг материалларини кенг пропаганда қилиш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ҳар бир бригадага агитатор биркитиш, бу ишга коммунист, комсомоллар, қишлоқ зиёлилари ва ишлаб чиқариш илғорларини жалб этиш, деворий газета ва «Жанговар варақа»ларни мунтазам чиқариб туриш, ҳар бир дала шийпонини оммавий агитациянинг чинакам марказига айлантириш лозим.

Қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янада кучайтириб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни уюшқоқлик билан ўтказайлик.

СССР Олий Совети сессияси қарорлари областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда

Ильич номли завод коллективи СССР Олий Совети биринчи сессиясида қабул қилинган қарорларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. **Суратда:** завод механика цехининг мастери ўртоқ **В. С. Подковиров** бир группа ишчиларга сессия материалларини ўқиб эшиттирмоқда.

В. Салов фотоси.

Сессия қарорларига жавобан

СССР Олий Совети сессияси қарорларидан илҳомланган Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари кўклам дала ишларини кенг қизитиб юбордилар. «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисида» ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Олий Совет сессиясида қиладиган доклади тезислари эълон қилиниши билан МТСдан ўзига керакли барча техникани сотиб олган колхоз аъзолари техникадан унумли фойдаланишнинг дастлабки қувончли якунларини ўз иш тажрибаларида кўрмоқдалар.

Колхоз аъзолари СССР Олий Советининг ўртоқ Н. С. Хрушчевни СССР Министрлар Совети Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги Қарорини қизғин маъқулламоқдалар. Ҳозир колхозда сессия материаллари кенг ўрганилмоқда, дала шийпонларида газета ўқиш, суҳбатлар ўтказиш каби ишлар намунали йўлга қўйилган.

Колхоз аъзолари сессия қабул қилган қарорларни севимли Ватанимизнинг янада қудратли, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишини таъминлайди, деб билиб бу ҳужжатлардан ғоят мамнун бўлмоқдалар. Улар бу йил экишга яроқли ер гектар ердан 230 центнердан ғўза етиштириш, ҳар бош сигирдан 4100 килограммдан сут соғиб олиш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўйича ўз ваъдаларига олган мажбуриятларни ошириб бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Я. МОРДУХАЕВ.

Халқ манфаатларини кўзлаб

Яқинда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлади. Давлатимизнинг олий органи халқимизнинг манфаатларини кўзлаб, тарихий қарорлар қабул қилди. «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида» қабул қилинган Қонун социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг янада барқ уриб ривожланишига кенг йўл очиб беради. Бундан кейин бизнинг дўстимиз — колхозчи-деҳқонлар билан алоқамиз янада мустаҳкамланади.

Партия ва ҳукумат жаҳонда барқарор тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқда. Атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши масаласи юзасидан СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарор бунинг ёрқин ифодасидир. Совет кишилари урушни истамайдилар.

Корхонамиз коллективи СССР Олий Совети сессияси томонидан қабул қилинган тарихий қарорлардан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бронлаш цехининг Ивкова, Орипов, Эгамбердиев, Романов ва Кузин каби ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари смена топшириғини 140-150 процентга етказиб ado этаётирлар.

Х. МИРЗААХМЕДОВ.

«Ташкенткабель» заводининг бронлаш цехи ишчиси.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш учун

Тошкент районидаги колхозларнинг аъзолари, совхоз ишчилари СССР Олий Совети сессияси қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, хўжаликни янада тараққий эттириш ҳамда сабзавот ҳосилини кўпайтириш тадбирларини белгиламоқдалар.

Куйбишев номли колхозда агитаторлар сессия материаллари, айниқса «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги Қонун»ни колхозчиларга муфассал тушунтирмоқдалар. Суҳбат вақтида биринчи бригада бошлиғи ўртоқ Қ. Содиқов бундай деди:

— Колхозимиз қамҳосилли ва камқувват бўлиб қолган эди. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли ва колхозчиларнинг фидокорона меҳнати натижасида ерларнинг унумдорлиги ошириллди, колхоз ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳаммамиз фаровон ва маданий ҳаёт кечирмоқдамиз. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган қарорлар бизни янги муваффақиятларга эришишга илҳомлантиради. Бригадамиз аъзолари бунга жавобан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятларни ошириб бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Колхозчилар юқори ҳосил етиштириб, хўжалигимиз экономикасини яна юксалтириш учун астойдил курашаётирлар. Колхознинг давлатдан трактор сотиб олиши бунинг учун катта имконият яратди. Колхозда гўшт, сут етиштириш кўпайди. Шунинг натижасида колхоз биринчи кварталда давлатга гўшт топшириш мажбуриятини 148.3 процент, сут топшириш планини 260 процент ado этди. 2 минг ўрнига 10 минг 494 та тухум етказиб берилиб, биринчи квартал плани 524.5 процентга етказиб бажарилди.

«Коммунизм», Ленин номли, Сталин номли колхозлар ўз техникаларига эга бўлиб, эртаги сабзавот экиш планларини ошириб ado этдилар. «Правда», «Қизил шарқ», «Сталинград» ва Хрушчев номли колхозларнинг аъзолари ҳам партиямиз февраль Пленуми қарори ва сессияда қабул қилинган Қонунга мувофиқ трактор сотиб олишга қарор қилдилар.

Район колхозлари, совхоз ишчилари сессия қарорларига амалий иш билан жавоб бераётирлар. Район 1958 йил биринчи квартал давлат гўшт мажбуриятини ва закупка қилиш топшириғини ошириб ado этди: гўшт топшириш 134 процент, сут—188 ва тухум — 219 процент қилиб ado этилди.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Оқилона тадбирлар

Шу кунларда саноат корхоналарида, илмий-текшириш муассасаларида, олий ўқув юртларида ҳар бир совет граждани СССР олий совети биринчи сессиясида қабул қилинган тарихий, оқилона қарорларни зўр мамнуният ва якдиллик билан маъқулламоқда.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети студентлари, ўқитувчи-профессорлар коллективи СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

— Университет олимлари, — дейди биология фанлари доктори, профессор И. А. Райкова, колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган Қонунни якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. Партия ва Совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган бу ажойиб тадбирлар ҳаётий кучга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб беради.

Ўртоқ Райкова бунга кўп йилларидан бери ўзи илмий-текшириш ишлари олиб бораётган Памирдаги колхозларни мисол қилиб кўрсатади.

— Шарқий Памирнинг 36 минг квадрат километр майдонига 4 та колхоз жойлашган, — дейди у сўзида давом этиб, — мазкур колхозларга бир МТС хизмат қиларди. Бундай ҳол бу колхозлар учун ҳамма вақт қулай имконият бермас, айрим вақтларда колхозларга техника ўз вақтида келтирилмай, далачилик ишлари орқага сурилиб кетар эди. Эндиликда эса иш тамоман бошқача ташкил этилади.

— «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги масаланинг сессиядан олдин умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, — деди университет доценти К. Нажимов, — партия ва ҳукуматимизнинг халқ билан доим бамаслаҳат иш олиб бораётганлигини исбот этади. Биз, университет ўқитувчилари қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари савиясини янада кўтариш билан сессия қарорларига амалий жавоб берамиз.

Доцент Н. Цапенко география факультети ўқитувчи-профессорлар коллективи фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-текшириш ишларини янада кучайтириш ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва комплектлаштириш масалалари олимларнинг, хусусан иқтисодий география фани олимларининг диққат марказида туриши лозим. Факультетимиз олимлари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшалилар.

Университетнинг геология, физика-математика, филология ва бошқа факультетлари олимлари ҳам СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессияси материалларини қизғин маъқулламоқдалар.

А. АЛИЕВ.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1957 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан областлар, районлар, машина-трактор станциялари ва совхозлар ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Андижон областига** берилди.

Кўчма Қизил байроқ **Қорасув районида** ва **2-Юқори Чирчиқ МТСида** қолдирилди. Қорасув райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мухамедов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ёқубова**, МТС директори ўртоқ **Шамаев**) сут топшириш йиллик планини 128 процент, гўшт топшириш планини эса 102 процент бажарди. (Ҳар бир соғин сигирдан 2805 килограммдан сут соғиб олинди). Район чорвадорлари сут ва гўшт тайёрлаш ҳамда закупка қилиш ва моллар сонини кўпайтириш топшириғини муваффақият билан бажардилар.

2-Юқори Чирчиқ машина-трактор станцияси (директори ўртоқ **Моргунов**, бош зоотехниги **Бучинский**) сут топшириш йиллик планини 160,7 процент, гўшт топшириш планини 147 процент бажарди. (Ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 1828 килограммдан сут соғиб олинди). МТС бўйича сут ва гўшт тайёрлаш ҳамда закупка қилиш, шунингдек моллар сонини янада кўпайтириш юзасидан берилган план ҳам ошиғи билан бажарилди.

Илғор чорвадорларни мукофотлаш учун Қорасув район ижроия комитетига 5 минг, 2-Юқори Чирчиқ МТСига 3 минг сўм пул ажратилди.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

БУДАПЕШТ, 3 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун кундуз соат 12 да Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг биносида Министрлар Советининг мажлислар залида Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар давом эттирилди.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ва СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ва ВЦСПС раиси В. В. Гришин, Украина КП Марказий Комитетининг аъзоси, Украина КП Киев область Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг Венгриядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Е. И. Громов қатнашдилар. Музокараларда СССР Ташқи ишлар министрлиги Коллегиясининг аъзоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ва СССР Ташқи ишлар министрлиги бешинчи Европа бўлими мудирининг вазифасини ижро этувчи П. С. Дедушкин ҳозир бўлдилар.

Музокараларда Венгрия томонидан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси доктор Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Сиёсий бюросининг аъзоси ва Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Антал Апро, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Йене Фок, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Дьюла Каллаи, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Карой Кишш, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Дъердь Марошан, Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министри Эндре Шик қатнашдилар.

Музокараларда ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси Иштван Сирмаи, Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати ҳузуридаги информация бошқармасининг раиси Ласло Дьярош, Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Иштван Шебеш ва Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Пал Маник ҳозир бўлдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар юзасидан фикр олишув давом этди. Халқаро аҳволнинг муҳим масалалари юзасидан ҳам фикр олишилди.

БУДАПЕШТДА ВЕНГРИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БУДАПЕШТ, 4 апрель. (ТАСС). Кеча кечқурун Будапешт опера театрида Венгриянинг фашизмдан озод қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Театр залига Будапешт жамоатчилигининг вакиллари — ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва санъат арбоблари, Венгрия Халқ армиясининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, венгер ва чет эл журналистлари тўпландилар.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, ВХР Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних ва Венгрия Халқ Республикасининг бошқа партия ва ҳукумат раҳбарлари президиум столи ёнида жой олдилар. Президиумда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бошчилигида Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси ҳам бор эди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Венгрия давлатининг раҳбарлари ва совет меҳмонларини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

ВХР президиумининг раиси Иштван Доби қисқача кириш нутқи сўзлаб тантанали мажлисни очди.

Доклад қилиш учун Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Ференц Мюннихга сўз берилди. Ўртоқ Ференц Мюннихнинг доклади қизғин қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Сўнгра йиғилганлар олдида совет делегациясининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб ўртоқ Хрушчевни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. «Яшасин ўртоқ Хрушчев!», «Яшасин венгер-совет дўстлиги!» деган хитоблар эшитилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи бир неча марта гулдурос, узоқ давом этган қарсаклар билан бўлиниб турди.

Мажлис охирида тантанали йиғилиш қатнашчилари партия гимни «Интернационал»ни ижро этдилар.

Тантанали мажлис тамом бўлганидан кейин катта байрам концерти бўлди.

СОВЕТ-ВЕНГРИЯ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИГИНИНГ БАЙРАМИ

Москва жамоатчилигининг тантанали йиғилиши

Совет кишилари Венгрия фашистлар зулмидан озод қилинган кунинг 13 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Улар чуқур дўстлик туйғулари билан қардош венгер халқига янги ҳаёт қуришда энг яхши истаклар йўллайдилар.

Муҳим воқеа шарафига бағишланиб 3 апрель куни Москвада жамоатчиликнинг тантанали йиғилиши бўлди.

ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев кириш нутқи сўзлади. У Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Янош Болдоцкини, шунингдек кечада ҳозир бўлган социалистик мамлакатлар элчиларини самимий табриклади. Ўртоқ Соловьев КПСС Москва шаҳар комитети, чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш Давлат комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи, СССР Маданият министрлиги ва ВЦСПС номидан тантанали йиғилишни очиқ деб эълон қилади.

Совет-Венгрия дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси П. Н. Федосеев Венгрия озод қилинган кунинг ўн уч йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Тантанали кечада Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Янош Болдоцки нутқ сўзлади. Унинг нутқи қизғин қарсаклар билан кутиб олинди. (ТАСС).

СОВЕТ-ВЕНГРИЯ ДЎСТЛИГИ КЕЧАСИ

Республика пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари 4 апрелда Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг мажлислар залида тўпландилар. Бу ерда Венгриянинг фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

Жамият правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев кечани очиб, доклад қилиш учун Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон республика жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Р. А. Каримовга сўз беради. Ўртоқ Р. А. Каримов Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг социалистик жамият қуриш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида муфассал сўзлаб берди. Социалистик лагерь мамлакатларининг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги тўғрисида гапириб, докладчи Венгрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун Венгрияга КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Партия-Ҳукумат делегациясининг борганлиги ёрдам беради, деб уқтириб ўтди.

Зала тўпланганларга шоир Рамз Бобожон Венгрияга саёҳат қилган вақтида Венгрия тўғрисида ёзган шеърларини ўқиб берди.

Кеча қатнашчилари Венгрия-Совет дўстлиги жамияти номига якдиллик билан табрик телеграммаси юбордилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИДА

Чигит экишни ўтказиш ва вегетациянинг дастлабки даврида ғўза парваришини ташкил этиш юзасидан тавсиялар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маъқуллаган

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги экишни муваффақиятли ўтказиш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия қилади:

ҲАЙДАЛМАГАН ЕРЛАРНИ ИШЛАШ ЮЗАСИДАН

1. Кўклам даврида отволсиз ер ҳайдашдан иборат ижобий тажрибани назарда тутиб колхоз ва совхозларга ҳозиргача ҳайдалмаган ерларни ишлашда қуйидаги қуроллардан фойдаланиш тавсия қилинсин:

а) сизот сувлари чуқур бўлган ва эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларда отвали олиб қўйилган плуглардан фойдаланиш, корпус стойкаларини эскиришдан сақлаш учун бу плугларга махсус пластинкалар ўрнатиш; чуқур юмшатадиган машиналардан ва ерни ишлашга мослаштирилган ариқ казувчи КПУ-2000-А маркали машиналардан фойдаланиш. Ерлар тупроқнинг етилган қатламига нисбатан мумкин қадар чуқурроқ ишланиши керак:

б) сизот сувлар юза бўлган, шунингдек тигиз ёки ялангоч қатлам яқин турганлиги учун ўткир (ёйсимон) панжали чизеллардан, осма ёки тирков культиваторлардан ерни чуқур ишлаш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган далаларда ерни етилган қатламининг чуқурлигигача ишлаш керак. Енгил, қумоқ тупроқли участкаларда ғўзапоя машинада сифатли юлиб олинган бўлса, бороналаш билан кифояланиш мумкин;

в) жуда ўт босиб кетган, эскидан ҳайдаб келинаётган ерларда, партов ва бўз ерларда отвалли ҳамда чимқирқарли плуглардан фойдаланиш керак.

Тупроқни яхши майдалаш ва намни тўлароқ сақлаб қолиш мақсадида ҳамма далаларни экиш олдидан бороналаш лозим.

ЕРНИ ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛАШ ЮЗАСИДАН

2. Қоидага мувофиқ чигитни яхоблаш ва шўр ювиш натижасида яхши намланган ерларга экиш керак. Кузда яхоб берилган далаларда, айниқса Сурхондарё ва Қашқадарё областларида ерни экиш олдидан такроран суғориш керак.

Қор, ёмғирдан, яхоблаш ва шўр ювишдан тупроқда тўпланган намни сақлаб қолиш хусусан кўклам қурғоқ келган шароитда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, ер етилиши билан далаларни асосан гусеницали тракторларни юргизиб бороналаш лозим.

3. Кўп далалар кеч ҳайдалганлиги учун ёмон аҳволда эканлигини, шунингдек кейинги йилларда ерларни экишга тайёрлашда юзакичиликка йўл қўйилаётганлигини назарда тутиб, ерларни экиш олдидан ишлаш сифатига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу йилнинг хусусияти шундан иборатки, бир қисм далаларда майдаланмайдиган катта кесаклар кўп. Шунинг учун МТС, совхоз ва колхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаси ҳар бир участканинг ҳақиқий аҳволини аниқлаб, унда тегишли агротехника тадбирларини амалга оширишдан иборатдир. Илғор колхозларнинг тажрибасига амал қилиб ишлов усулларини табақалаштириб жорий этиш ва турли қуроллардан фойдаланиш йўли билан ҳамма далаларда ер бетидаги тупроқ бир хилда донадор бўлишига эришмоқ керак. Ер бетидаги тупроқ чигитга унинг тез ниш уриши ва барвақт униб чиқиши учун етарли миқдорда нам ва ҳаво кириб туришини таъминлайдиган бўлсин. Шу билан бирга ерни ишлаш усуллари кузги шудгор натижасида тупроқда ҳосил бўлган ижобий хусусиятларни сақлаб қолишга имкон берадиган бўлиши керак.

4. Ерни экиш олдидан ишлашни ҳар бир айрим участканинг конкрет шароитини ҳисобга олиб, ижодий тарзда ўтказиш, шаблонга ва маъмуриятчиликка йўл қўймаслик, пахтадан юқори ҳосил олаётган илғор колхоз ва совхозларнинг бой тажрибасидан кенг фойдаланиш керак.

Қоида тариқасида ерни экиш олдидан ишлаш тупроқни ағдармаслан ер бетини юмшатишдан иборат бўлмоғи лозим. Енгил, қумоқ тупроқли далаларни, шунингдек барвақт шудгор қилиниб табиий факторларнинг таъсири остида тупроқ донадор шаклга кирган далаларни бир неча изда бороналаш йўли билан юмшатиб олса ҳам бўлади.

Оғир тупроқли ёки шўри ювилгани учун қиш вақтида ўтириб қолган ҳамда юмшатилиши қийин бўлган далаларда ўткир панжали чизеллардан ва зарур миқдорда ер органларига эга бўлган тирков культиваторларидан кенг фойдаланиш, тупроқнинг ҳолатига қараб уни 6-8 сантиметр ва керак бўлса, 10-12 сантиметр чуқурликда ишлаш лозим.

Катта кесакли участкаларни ишлашда оғир бороналардан, ер текисловчи машиналардан, оғир молалардан, катоклафдан ҳамда ер бетини зарур даражада юмшатадиган бошқа қурол ва воситалардан фойдаланиш лозим. Бундай далаларда сизот сувлар паст турган бўлса, уларни майда эгатлар олиб суғориш, эгатнинг пуштаси қуриши билан албатта бороналаш керак.

Ўт босган далаларни экишга яқин қўшимча равишда чуқурроқ қилиб ишлаш лозим. Кўп йиллик, илдизли ўтларни махсус тарашлаб чиқариш учун чизеллардан, культиваторлардан ва бошқа асбоблардан кенг фойдаланмоқ зарур.

Асосан кўкламда ҳайдалган далаларни экиш олдидан фақат бороналаш керак.

5. Ҳарбир далани ишлаш учун машина ва асбобларни энг кам юргизган ҳолда зарур даражада сифатли юмшатишни назарда тутиб танлаш керак. Бундай ҳолда агар машина бир юрганда ернинг бети таллаб қилинганича юмшамаса, машинани иккинчи марта солиш лозим. Ерни ишлашдаги барча машина ва асбоблар бороналарга агрегат қилиб ишлатилиши зарур.

Чигитга нам яхши кириб туришини таъминлаш, шунингдек даланинг бетини бутунлай текислаш ва аввалги ишловдан колган кесак парчаларини майдалаб юбориш учун экиш олдидан албатта молалаш керак. Кўкламда ҳайдалган далаларга оғир мола ва куз-қиш даврида шудгор қилинган далаларга ўртача ва енгил мола юргизиш зарур.

Намни яхшироқ сақлаб қолиш учун ҳар сафар қаттиқ ёмғир ёққандан кейин мустақил бороналаш лозим.

6. МТС, совхозларнинг директорлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари барча дала ишларининг сифати устидан қаттиқ кузатиб борсинлар, мукаммал бўлмаган далаларда ерни етилган қатламининг чуқурлигигача ишлаш керак. Енгил, қумоқ тупроқли участкаларда ғўзапоя машинада сифатли юлиб олинган бўлса, бороналаш билан кифояланиш мумкин;

в) жуда ўт босиб кетган, эскидан ҳайдаб келинаётган ерларда, партов ва бўз ерларда отвалли ҳамда чимқирқарли плуглардан фойдаланиш керак.

Тупроқни яхши майдалаш ва намни тўлароқ сақлаб қолиш мақсадида ҳамма далаларни экиш олдидан бороналаш лозим.

ЕРНИ ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛАШ ЮЗАСИДАН

2. Қоидага мувофиқ чигитни яхоблаш ва шўр ювиш натижасида яхши намланган ерларга экиш керак. Кузда яхоб берилган далаларда, айниқса Сурхондарё ва Қашқадарё областларида ерни экиш олдидан такроран суғориш керак.

Қор, ёмғирдан, яхоблаш ва шўр ювишдан тупроқда тўпланган намни сақлаб қолиш хусусан кўклам қурғоқ келган шароитда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, ер етилиши билан далаларни асосан гусеницали тракторларни юргизиб бороналаш лозим.

3. Кўп далалар кеч ҳайдалганлиги учун ёмон аҳволда эканлигини, шунингдек кейинги йилларда ерларни экишга тайёрлашда юзакичиликка йўл қўйилаётганлигини назарда тутиб, ерларни экиш олдидан ишлаш сифатига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу йилнинг хусусияти шундан иборатки, бир қисм далаларда майдаланмайдиган катта кесаклар кўп. Шунинг учун МТС, совхоз ва колхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаси ҳар бир участканинг ҳақиқий аҳволини аниқлаб, унда тегишли агротехника тадбирларини амалга оширишдан иборатдир. Илғор колхозларнинг тажрибасига амал қилиб ишлов усулларини табақалаштириб жорий этиш ва турли қуроллардан фойдаланиш йўли билан ҳамма далаларда ер бетидаги тупроқ бир хилда донадор бўлишига эришмоқ керак. Ер бетидаги тупроқ чигитга унинг тез ниш уриши ва барвақт униб чиқиши учун етарли миқдорда нам ва ҳаво кириб туришини таъминлайдиган бўлсин. Шу билан бирга ерни ишлаш усуллари кузги шудгор натижасида тупроқда ҳосил бўлган ижобий хусусиятларни сақлаб қолишга имкон берадиган бўлиши керак.

4. Ерни экиш олдидан ишлашни ҳар бир айрим участканинг конкрет шароитини ҳисобга олиб, ижодий тарзда ўтказиш, шаблонга ва маъмуриятчиликка йўл қўймаслик, пахтадан юқори ҳосил олаётган илғор колхоз ва совхозларнинг бой тажрибасидан кенг фойдаланиш керак.

Қоида тариқасида ерни экиш олдидан ишлаш тупроқни ағдармаслан ер бетини юмшатишдан иборат бўлмоғи лозим. Енгил, қумоқ тупроқли далаларни, шунингдек барвақт шудгор қилиниб табиий факторларнинг таъсири остида тупроқ донадор шаклга кирган далаларни бир неча изда бороналаш йўли билан юмшатиб олса ҳам бўлади.

Оғир тупроқли ёки шўри ювилгани учун қиш вақтида ўтириб қолган ҳамда юмшатилиши қийин бўлган далаларда ўткир панжали чизеллардан ва зарур миқдорда ер органларига эга бўлган тирков культиваторларидан кенг фойдаланиш, тупроқнинг ҳолатига қараб уни 6-8 сантиметр ва керак бўлса, 10-12 сантиметр чуқурликда ишлаш лозим.

Катта кесакли участкаларни ишлашда оғир бороналардан, ер текисловчи машиналардан, оғир молалардан, катоклафдан ҳамда ер бетини зарур даражада юмшатадиган бошқа қурол ва воситалардан фойдаланиш лозим. Бундай далаларда сизот сувлар паст турган бўлса, уларни майда эгатлар олиб суғориш, эгатнинг пуштаси қуриши билан албатта бороналаш керак.

Ўт босган далаларни экишга яқин қўшимча равишда чуқурроқ қилиб ишлаш лозим. Кўп йиллик, илдизли ўтларни махсус тарашлаб чиқариш учун чизеллардан, культиваторлардан ва бошқа асбоблардан кенг фойдаланмоқ зарур.

МИНЕРАЛ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН

11. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш планларини тузган вақтда бу ўғитларни ернинг унумдорлигини ва ҳосилдорлик юзасидан белгиланган топшириқни ҳисобга олиб солишни планлаштириш керак. Ўғитлардан фойдаланишда ўсимликларнинг озуқа моддаларига нисбатан бўлган биологик талабларини, шунингдек айрим хўжаликларнинг тупроқ-иқлим ва агротехника шароитларини назарда тутиш лозим. Гўнг, хало ахлати, парранда қийи, ипак қуртининг чиқиндиси, торф, ғўза пўчоқдан ва бошқа органик чиқиндилардан тайёрланган компост каби маҳаллий органик ўғитларни кўпроқ тўплаш ва ишлатишга алоҳида эътибор бериш зарур. Тупроқли ўғитлар (эски деворларнинг тупроғи, ариқ лойқаси ва нефтли тупроқ)лан кенг фойдаланиш керак.

Гўнгни уюб, оддий ва типовой гўнгхоналарда тўғри сақлаш ташкил этилмоғи лозим. Пахта майдонининг ҳар бир гектарига бир йилда камида 10 тонна яхши чириган ёки чала чириган гўнг, компост қилинган хало ахлати ва бошқа органик ўғитлар солишга эришилсин.

12. Ғўзанинг дастлабки ўсиш давриданоқ, уни зарур озуқа билан қондириш мақсадида экиш вақтида (ёнидан солиш йўли билан) ёки ерни экиш олдидан ишлаш процессида ҳар гектар ерга 100 килограмм суперфосфатни 250-300 килограмм гўнгга аралаштириб солиш керак. Азот етишмайдиган ерларга экиш олдидан ишлов бериш вақтида 35-40 килограмм аммиак селитраси ёки 50 килограмм сулфатаммоний солиш, қаторлаб экиладиган ерларга эса экиш вақтида солинадиган азот нормасини икки марта камайтириш лозим.

Ғўзани ёшлигида озиқлантириш учун мўлжалланган ўғитларнинг таъсирини ошириш учун уларни чигит билан кўшиб махсус ўғитлагич машиналарда солиш яхшироқдир. Ўғитни экиш олдидан ишлов бериш вақтида солган тақдирда тракторга осиб ишлатиладиган культиваторлардан фойдаланиб ўғитни 12-14 сантиметр чуқурликка солиш, бунинг учун махсус пичоқсимон сошниклардан фойдаланиш керак.

13. Ғўзани биринчи озиқлантиришни механизмларда букетировка қилиш билан айни вақтнинг ўзида ёки букетировкадан кейин ўтказиш керак. Бирон сабаб билан экиш олдидан ўғитланмаган участкаларда озиқлантиришни биринчи галда азотли ва фосфорли ўғитларни аралаштириб ўтказиш зарур. Ер шароити ва ғўзаларнинг аҳволига кўра суғориш талаб қилинмаган далаларда озиқлантиришни суғориш бошланишини кутиб ўтирмасдан ўтказибериш мақбул. Эгат оралатиб суғорилганда ўғитни ҳар бир қатор орасига солиш керак.

ЧИГИТ ЭКИШ ВА УНИ СОҒЛОМ УНДИРИБ ОЛИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА УСУЛЛАРИ ЮЗАСИДАН

14. Колхоз ва совхозларда уруғлик чигит қандай сақланаётганлигини ва уни экишга тайёрлаш қоидаларини қандай бажарилаётганлигини мунтазам текшириб туриш зарур. Ғўзани соғлом ундириб олиш ва унинг яхши ривожланиши уруғлик чигитнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини назарда тутиб, колхоз ва совхозларни яхши уруғлик билан таъминлаш юзасидан ҳозиргача кўрилган тадбирларга қўшимча равишда пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари тарқатаётган уруғлик чигитнинг сифати устидан контроллиги бир мунча кучайтириш зарур. Пахта заводлари ҳузуридаги уруғчилик лабораториялари чигитнинг униб чиқиши, туклилиги, куйганлиги, ниш уриш суръати ва бошқа кўрсаттичлар бўйича стандарт талабларга жавоб бермайдиган уруғларни кескин бракка чиқаришлари керак. Бу йил бир қисм майдонларда уруғлик чигит қуриқ ҳолича экилишини назарга олиб, чигитни туксизлантириш сифатига алоҳида эътибор бериш зарур.

15. Область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари уруғлик чигитни миснинг трихлорфеноляти билан қуриқ дорилаш формалинда дорилашга қараганда бир қанча устунликларга эга эканлигини ҳамда ёш ғўзаларни гоммозлангина эмас, илдиз чириш касалидан ҳам ҳимоя қилиш имконини беришини ҳисобга олиб, халқ хўжалиги кенгашлари билан зарур алоқа боғламоқлари ҳамда уруғлик чигитнинг пахта заводларида тасдиқланган планга мувофиқ марказлаштирилган усулда дориланишини таъминламоқлари керак.

Совхозлар бош бошқармаси ва совхозларнинг директорлари барча уруғлик чигитни совхозларнинг ўзида ана шу дори билан дориланиш чорасини кўрсинлар, бунинг учун СПР ва IV-I маркали дорилаш машиналардан ҳамда бошқа оддий қуроллардан фойдаланилсин, хавфсизлик техникасига қаттиқ риоя қилинсин.

Уруғлик чигитнинг ва ғўза ниҳолларининг кўсак қурти, тилла қўнғиз ва чувалчанглар зарарланишинг олдини олиш учун барча уруғлик чигит экишга қандай усулда тайёрланганлигидан қатъий назар бир тоннасига 40 килограмм ҳисобида экиш олдидан гексахлоран дусти билан дориланиши керак.

Формалин билан дориланган уруғлик чигитни дорилаш вақтидагина сульфат аммоний (бир тонна чигитга 50 килограмм ҳисобида) ишлатилсин.

Мис трихлорфеноляти билан дориланган уруғлик чигитдан ташқари барча уруғлик бевосита экиш олдидан экишга камида икки ҳафта қолганда азотобактерин билан албатта дориланиши шарт.

16. Экиш муддатлари турлича бўлганда қуриқ ҳолича ва ивитиб экилган чигитнинг ниш уриши қандай бўлиши ҳақидаги янги маълумотларга мувофиқ ҳамда чигитни қуриқ ҳолича экиш очиқдан-очиқ афзалликларга эга эканлиги учун экишнинг бошида яъни ерда нам запаси бўлиб унинг юза қатлами ҳали етарли қизимаган пайтда қоила тариқасида чигит қуриқ ҳолича экилсин. Совет сорт пахтанинг ана шу чигитлари яхши донадор бўлиши учун экиш олдидан сал қўллаб олинсин, ва ложи бўлса унга қум ёки кул аралаштирилсин. Туксизлантирилган уруғлик чигитни хўллаш керак эмас.

Экиш жараёнида ҳароратнинг ошишига қараб ва ерда нам қандай эканлигини назарга олиб, уруғлик чигит 8-10 соат давомида ивитиладиган бўлсин ва экишнинг охирига бориб ивитишнинг давомати 16-20 соатга етказилсин. Ана шу шартларга риоя қилинган тақдирда чигит бир текис ва соғлом униб чиқади. Экишнинг дастлабки кунларида қуриқ дори билан дориланган чигитлардан фойдаланиш яхшироқдир, чунки бу чигитларни ивитиб ўтиришнинг кераги йўқ.

Чигит оқар сувда ивитилсин. Сувнинг доим оқиб туришини йўлга қўйиш имконияти бўлмаса, чигит ивитиш ўрнига тўп-тўп қилиб уюб намлатилсин. Қуриқ дори билан дориланган чигит фақат уюб намлансин. Чунки чуқурларда ивитилган вақтда бундай чигит униб чиқиш хусусиятини йўқотади.

Чигит экиш юзасидан белгиланган нормага қаттиқ риоя қилинсин. Чигитни ортиқча сарфлаган ва сифатини бузган айбдор шахсларни масъулиятга тортиш керак.

17. Айрим область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг раҳбарлари, совхоз, МТС директорлари ва колхоз правлениелари ғўзаларни нуқул механизмлар билан киркиб квадрат-уялаб жойлаштиришга интилмоқдалар, лекин режа сими ёрдами билан махсус сеялкаларда квадрат-уялаб экиш каби турмушда синалган ва самара берган усуллан фойдаланишни истамаётирлар. Уларнинг бу хатти-ҳаракати нотўғри ва хато деб топилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 689 минг гектар ерга режа сими тортиб чигит экиш ҳақида аввал белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилиши, бу йил 3 миллион тонна пахта олиш учун курашнинг биринчи даврида энг муҳим шарт эканлигини яна бир марта эслатиб ўтади. Шу мақсадда дастлабки кишлоқ хўжалик бошқармаларининг, колхоз, совхоз ва МТС-ларнинг раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экишга тайёргарлик кўришга йўл қўйилган камчиликларни дарҳол тугатишлари ва бу усулда чигит экишга, пухта ва затарафлама тайёргарлик кўришни яқин вақт ичида тугаллаш учун барча зарур чораларни амалга оширишлари керак.

18. Экиш учун энг яхши муддатни белгилаш вақтида бир хил табиий шароитларда бўлиб, ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олинишини таъминлаб келаётган илғор колхоз ва далачилик бригадаларининг тажрибасини, шунингдек вегетация даврида тўпланган фойдали ҳароратдан ва ерлаги намлан тўлиқроқ фойдаланиш заруратини ҳисобга олиш керак: Бу йилги мураккаб шароитда ҳар бир колхоз бўйича 7-10 кундан иборат қисқа вақтни танлаб олиб, чигит экишга киришиш зарурки, бунинг натижасида Жанубий районларда 20 апрелгача, республиканинг шимолий районларида майнинг бошида ва колган районларда эса апрелнинг учинчи ўн кунлигида чигитни бир текис, соғлом ундириб олишга ишонч ҳосил бўлсин. Колхоз ва совхознинг ичида ҳам экиш муддатлари ернинг физик хусусиятлари, намнинг даражаси, даланинг киялиги ва бошқа шароитларга қараб табақалаштирилган бўлмоғи керак.

19. Экиш ишларини ташкил қилиш вақтида сифат устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин: квадратлар аниқ чиқадиган бўлсин, уруғлик чигит тўғри тайёрлансин, экиш нормасига риоя қилинсин, сеялкаларнинг экувчи аппаратлари соз ишласин, экиш агрегатлари тўғри чизиқ бўйича юргизиб борилсин, қатор ораларининг ораси бир хил кенгликда бўлсин, чигит зарур чуқурликка тушсин.

Уруғлик чигитдан тежаб-тергаб фойдаланиш, яганалашга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш, чигитнинг ниш уриши ва дастлабки даврда ғўза ниҳолларининг ривожланиши учун яхши шарт-шароит яратиб бериш мақсадида квадрат-уялаб чигит экиш сеялкасини шундай созлаш зарурки, ҳар бир уяга кўпи билан 10-8 та ва камида 4 та чигит тушадиган бўлсин.

Экишнинг кетидан ҳар бир участкада вақтинча ариқлар, ўқариқлар олинсин ва асосий экиш муддати билан оласига экиш муддати ўртасида тафовут бўлмаслиги учун ҳар бир участканинг ичидаги ариқларнинг четига чигит экиб чиқилсин.

20. Экиш тугаллангандан кейин тупроқдаги чигитнинг аҳволи ҳамда ҳар бир ер участкасида барча қаторларга ва уяларга экилган чигитнинг униб чиқиши ёппасига текширишдан ўтказилсин ва шароитга қараб чигитнинг униб чиқишини тезлаштирувчи чоралар кўрилсин. Агар чигитнинг униб чиқиши ерда нам етишмаслиги орқасида кечикаётган бўлса, дарҳол эгат оралатиб, лекин жуда эҳтиёткорлик билан чигит сувн берилсин, сувни оз сарфлаган ҳолда ерни яхшироқ намиқтириш таъминлансин, эгатларнинг кўллаб қолишига йўл қўйилмасин.

Қатқолоққа қарши курашда ишлатиладиган ҳамма қуролларни тайёрлаб қўйиш зарур. Ёмғир ёққандан кейин дала ишларига киришиш имкони туғилиши биланоқ дарҳол ерни юмшата бошлаш, бу ишни жуда қисқа вақт ичида—бир кунда ва кўпи билан икки кунда тамомлаш керак. Квадрат-уялаб экилган участкаларда биринчи галда ротацион мотигалардан фойдаланиш зарур.

ВЕГЕТАЦИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН

21. МТС, колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этишнинг энг прогрессив формалари учун ҳаракат кенг кучайиб кетди, бу ҳаракат ёппасига трактор-далачилик бригадалари тузилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирдаёқ комплекс механизация принципларига асосланган 1100 дан ортиқ ана шундай бригадалар бор. Бу бригадалар ҳар қандай янги ташаббус каби бутун йил давомида уларга МТС, совхоз ва колхоз раҳбарлари ҳар тарафлама малакали ёрдам беришини талаб қилади. Токи бу бригадалар ташкилий жиҳатдан бақувват бўлиб одсин, ғўзаларга агротехника парваришини тўғри ўтказилишини ва пахтадан юқори ҳосил олинишини таъминласин.

22. Тракторчиларни далачилик бригадаларига бутун иш мавсумига мўлжаллаб биркитиб қўйиш уларнинг чигит экишнинг сифати, далаларнинг аҳволи, ўсимликларнинг сақланиши ва юқори ҳосил олиниши учун масъулиятини оширишда муҳим талбир сифатида бениҳоя катта аҳамиятга эгадир. Шуни назарда тутиб, тракторчиларни далачилик бригадаларига биркитиб қўйишни, йирик бригадаларда эса айрим далаларга биркитиб қўйишни яқин кунларда тамомлаш керак. Ғўза парваришида ишлатиладиган барча машиналарнинг техника ҳолатини 15 апрелгача ёппасига текширишдан ўтказиш ҳамда аниқланган нуқсонларнинг ҳаммасини ўз жойида битириш учун дарҳол чора кўриш керак.

23. Ғўза тупларининг қалинлиги юзасидан бўлимлар, бригадалар ва звеноларда топшириқлар ишлаб чиқиш уюштирилсин ҳамда ернинг унумдорлиги ва сув билан таъминланиш даражасини ҳисобга олиб квадрат-уялаб экилган участкаларда 50х50 схемасида ҳар бир уяда 2-3 туп, 60х60 схемасида 4 туп ва колган схемаларда 3-4 туп ғўза бўлиши таъминлансин. Оддий қаторлаб экилган майдонларда бир гектар ерда ўрта ҳисобда 100-110 минг тупгача кўчат қолдиришга эришилсин. Ғўза тупларининг ҳақиқатда мавжуд қалинлиги 1 июнда ва 1 августда ҳисобга олинсин.

24. Ўтган йили кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзанинг дастлабки парваришини қучайтириб юбориш кечиктирилганлиги орқасида бегона ўтлар авж олиб ўсиб кетди ва ғўзани қисиб қўйди, шоналаш кейинга сурилди ҳамда айниқса вегетациянинг биринчи ярмида ғўзалар ривожланишдан орқада қолди. Ўтган йилги бу жиддий хатонинг такрорланишига йўл қўйилмасин.

Ўт босган далаларда ёки ёғингарчиликдан кейин тупроғи ўтириб қолган участкаларда ғўза парвариши битта-иккита ўт чикиши биланоқ бошлаб юборилсин, токи бегона ўтлар битирилиб, ёш ғўза ниҳоллари учун зарур иссиқлик ва сув-ҳаво режими яратиб берилсин. Ғўза парваришига ўз вактида киришиб Жанубий районларда майнинг учинчи ўн кунлигида, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг шимолий районларида июннинг ўрталарига бориб, қолган барча районларда эса июннинг дастлабки кунларида ғўзанинг ёппасига шоналай бошлашига эришиш зарур.

Квадрат-уялаб экилган далаларда фақат киркилмаган доранинг атрофидаги кўчатларни қўлда ростлаб қўйиш учун бу ишга тушишдан олдин биринчи кўндалангига культивация мажбурий тартибда ўтказилсин. Қирқилмаган доранинг эни 15 сантиметрдан ошмаслиги керак. Узунаси—кўндалангига ишлаш учун оддий каторлаб экилган далаларда каторлар билинишги биланоқ механизмларда букетировка қилиш ўтказилсин, қирқилмайдиган доранинг эни 15 сантиметрдан ошиб кетишига йўл қўйилмасин.

25. Кўндаланг қаторларнинг тўғри чизиқда бўлишини таъминламоқ учун ғўзаларни механизмларда букетировка қилишни маркер ўрнатилган культиваторлар билан ўтказиш, агрегат биринчи кирадиган жой эса узун қаторларга тикка қилиб олдиндан олинган ва қозиқ қоқилган чизиқ бўйича ўтиши керак.

Квадрат-уялаб ва оддий қаторлаб экилган майдонларда биринчи кўндалангига культивация кечи билан дастлабки чин барг чиққанига қадар тамомланиши; шу билан бирга культивация 5-6 сантиметрдан чуқур бўлмаслиги керак. Культивация ўтказилган куннинг эртасига букетларни қўлда ростлашга киришиб, бу ишни иккинчи чинбарг чиққанига қадар тамомлаш зарур. Қатқолоқ пайдо бўладиган далаларда кўндалангига культивациядан илгари узунасига культивация ўтказиш лозим. Кўндаланг каторларнинг тўғри чизиқда бўлишини таъминламоқ учун букетларни ана шу қаторларнинг узунасига қаратиб қўлда ростлаш керак. Букетларни қўлда ростлаб қўйиш вақтида уянинг ўртасидаги бақувватроқ кўчатларни қолдириб, уларнинг орасини очиб қўйиш керак. Бу ана шу ғўзаларнинг яхшироқ ривожланишига ёрдам беради.

26. Дастлабки парваришларда ёйсимон панжалар билан бирга фақат пичоқлардан фойдаланиш зарур. Иш органларининг сонини узуна ва кўндаланг қатор орасининг энига қараб ўрнатиш ҳамда каторнинг ҳар бир томонида ихота зонаси кўпи билан 6-7 сантиметр бўлишини таъминлаш, шу орқали ишланадиган доирани мумкин қадар кенгайтириш лозим. Далаларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда узунасига культивация ўтказганда чеккадаги иш органлари 8-10 сантиметр чуқурликда, ўртадаги иш органлари 12-15 сантиметр чуқурликда ва кўндалангига культивация ўтказганда чеккадаги иш органлари 6-8 сантиметр, ўртадаги иш органлари 10-12 сантиметр чуқурликда юриши керак. Суғоришга қадар ишлов бериш да нальниклардан фойдаланиш ман этилади.

Тракторда ишлов бериш билан бир каторда от-культивациясини кенг кўламда ўтказиш зарур.

Ғўза парвариши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш, бу ишнинг ўз вактида ўтказилишини таъминлаш, культиватор иш органлари тўла комплектини тўғри танлаш ҳамда узунаси ва кўндалангига культивация ўтказганда ҳам ишлов доирасини кенгайтириш керак. Токи квадрат-уялаб чигит экиш натижасида вужудга келадиган афзалликлардан тўларок фойдаланиш. Тошлоқ район колхозлари каби қўл меҳнатини кескин камайтириш, ишлов қуроли сифатида кетмонлан катъийян воз кечиш мумкин бўлсин.

УЧАСТКАЛАРНИ МАШИНАДА ПАХТА ТЕРИШГА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

27. 1958 йилда республикада пахтанинг ялпи ҳосилини 3 миллион тоннага етказиш ва 1965 йилда пахта етиштиришни 4 миллион тоннагача кўпайтириш ҳақидаги мажбуриятни муваффақиятли бажаришда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, айниқса йиғимтерим ишларини мулатини қисқартириш ва қўл меҳнати сарфини камайтиришнинг ишончли воситаси эканлиги тажрибада исботлаб берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети VII Пленумининг қарорига мувофиқ ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадаларда совук урғунча очиладиган ҳосилни, республика бўйича эса ҳаммаси бўлиб 158 минг гектар ердаги ҳосилни машинада теришни таъминлаш зарур. Бу топшириқнинг сўзсиз бажарилиши учун шу йил 1 апреллан кечиктирмай 230 минг гектар ерни шу жумладан: Тошкент областида 65 минг, Фарғона областида 25 минг, Наманган областида 15 минг, Андижон областида 30 минг, Самарқанд областида 25 минг, Бухоро областида 20 минг, Қашқадарё областида 14 минг, Сурхондарё областида 8 минг, Хоразм областида 13 минг, Қорақалпоғистон АССР да 15 минг гектар ерни машинада теришга ўтиш ажратиб қўймоқ керак.

Машинада теришга сатхи текис, қиялик ва дўнг жойлари кам бўлган, тўғри шаклдаги, яхлитроқ ва яхши текисланган далалар ажратилиши лозим. Ана шу далаларга чигитни 60 сантиметрлик узуна катор оралари олиб, асосан квадрат-уялаб экиш керак. Машинада теришга ажратилган далаларнинг ҳаммаси махсус белгилар қўйиб, бу белгиларда майдоннинг миқдорини ва бошқа кўрсаткичларни кўрсатиш керак.

28. Вегетация даврида ҳар бир участкада юқори ҳосил олишга, бу ҳосилни барвақт етилтиришга қаратилган агротехника тадбирлари амалга оширилмоғи ва машина теримига нисбатан қўйиладиган барча талабларга қаттиқ риоя қилинмоғи лозим.

Ғўзаларнинг ётиб қолиши пахта териш машиналаридан муваффақиятли фойдаланишга жиддий тўсқинлик қилаётганлигини ҳисобга олиб, ғўзаларнинг ётиб қолишига йўл қўймайдиган барча тадбирларни қаттиқ амалга ошириш керак. Шу мақсадда тегишли миқдорда фосфорли ўғит аралаштирмай туриб азотли ўғит солинишига йўл қўймаслик, ғўзага кеч азотли ўғит солмаслик, ғўзанинг ривожланиш даврларида суғориш муддатларини нотўғри тақсимламаслик, суғоришни ортиқча норма билан ўтказмаслик, чеканкага барвақт киришмаслик керак.

Машина терими учун ажратилган участкаларда ишнинг қандай бораётганлигини ишларнинг асосий даври бошланишига тўғрилаб системали равишда текшириб туриш зарур.

29. Пахтаси машинада теришдиган участкаларда ғўза парвариши агротехникасининг асосий талаблари ҳақида далачилик бригадаларининг бошлиқлари, звено бошлиқлари, трактор бригадаларининг бошлиқлари ва тракторчилар билан 10 кун муддат ичида инструктаж ўтказилсин.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш ва ҳосилни машинада муваффақиятли териб олишга шарт-шароит вужудга келтириш вазифалари колхозчилар, трактор бригадалари колонналари ишчилари ва аввало трактор-далачилик бригадаларининг аъзолари ўртасида кенг муҳокама қилинсин, шу билан бирга уларга тушунтирилсинки, ҳосилни машинада теришга ажратилган участкаларда кўл терими ўтказишга йўл қўйилмайди. Ғўза парваришидаги барча ишлар ана шу участкаларда ҳосилни барвақт етилтиришни, машиналарнинг нормал ишлаши учун ғўза баргини ўз вактида тўкишни таъминлайдиган қилиб ўюштирилмоғи керак.

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ ЮЗАСИДАН

30. Бу йил кишлоқ хўжалик зараркунандаларининг, айниқса ўргимчаккана, шира, куяги тунлам, кўсак курти ва каралрининг ёппасига кўпайиб кетишидан иборат катта хавф борлигини назарга олиб, профилактика тадбирларининг бутун комплексини ўтказишни, биринчи навбатда бегона ўтларни уч марта химиявий дорилашни, тут дарахтларини, дала марзаларини, йўллар ва ирригация шохобчалари ёқасини икки марта химиявий дорилашни таъминлаш зарур.

Бегона ўтларни химиявий дорилашни ва айниқса тут дарахтларини химиявий дорилашни энг қисқа вакт ичида, тўла ҳажмда ва юқори сифатли қилиб ўтказмоқ учун ОУН-4 ва ОУН-4-6 маркали трактор пуркагичларининг ҳаммасини, шунингдек тиркаб ишлатиладиган бошқа машиналарни ишга солиб юбориш, бу машиналарнинг иши учун тегишли миқдорда «универсал» ҳамда ДТ-24-3 маркали тракторлар ажратиш керак.

Елкага осиб ишлатиладиган аппаратлардан ва от кўшиб ишлатиладиган ОБПК маркали пуркагичлардан кенг фойдаланиш зарур.

31. Текширишда маълум бўлишича, ерда кемирувчи куртлар жуда кўпайиб кетган. Униб чиқаётган ғўзани ана шу куртлардан ҳимоя қилиш учун зарарланган далаларнинг ҳаммасига гектарига 25 процентлик гексохлорандан 40 килограмм ёки 12 процентлик гексохлорандан 60 килограммлан солиш зарур. Гексохлоранни экишолди процессида ернин

Ерларни сифатли тайёрлаб, чигит экишни ҳамма жойда кучайтириб юборайлик!

☆ ☆

Сўз бердикми, албатта бажарамиз

Колхозчиларнинг техникадан ўз ўрнида ва унумли фойдаланиш, ички имкониятларни кўпроқ ишга солиб, ҳосилдорликни ошириш масалаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишига колхознинг каттадан-кичиги тўпланди. Бригадирлар, звено бошлиқлари, оддий колхозчилар, механизаторлар ҳосилни ошириш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги тўғрисида бирбирлари билан маслаҳатлашиб олдилар.

— Ўзларингизга маълум, — деб сўз бошлади раис, — пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгашида пахтачиликни механизациялаштириш тўғрисида жуда кўп қимматли фикрлар айтилди. Мажбурият қабул қилинди. Бу мажбуриятнинг амалда бажарилиши учун биз ҳам астойдил курашишимиз керак. Мана, техниканинг ўз қўлимизга ўтганига ҳам анча бўлди. МТСдан 3 та ДТ-54, 6 та универсал, 10 та пахта териш машинаси сотиб олдик. Эндиликда ҳамма гап қўлимиздаги шу мавжуд техникадан усталик билан, ишнинг кўзини билиб фойдаланишда. Биз техникадан яхши фойдалансак истаганча ҳосилни етиштиришимиз мумкин. Шу масалада сизлар билан маслаҳатлашиб олмоқчи эдик.

— Маъқул гап, аввалги мажбуриятимиз бизнингча кам, техника ўз ихтиёримизга топширилган экан, ҳосилни ошириш қўлимиздан келади.

Колхознинг илғор бригада бошлиқларидан ўртоқ Комил Шоқиров кўпчиликнинг фикрини ифода қилди:

— Пахта шундай ўсимликки, деҳқон унинг тилини билиб парвариш қилса — ҳосилини ошираверади. Квадратда гап кўп экан. Буни мен ўтган йилги иш тажрибамиздан синаб кўрдим. Тағин ҳам механизаторларимиз ҳафсаласизлик билан ишлашган эли. Энди улар колхозимизга аъзо бўлиб киришди. Ҳосилнинг тақдири учун биз билан бирга жавоб беришади. Шунинг учун мен ҳамма майдонга квадратуялаб чигит экаверсак, деган фикрдаман.

Кўпчилик колхозчилар, механизаторлар ҳам илғор бригада бошлиғининг сўзларини маъқулладилар.

— Бизнинг бригада, — деб сўзига давом этди у, — йил бошида ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисида мажбурият олган эди. Биз маслаҳатлашиб, ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. Шунинг учун бемалол сўз беришимиз мумкин, гектаридан 37 центнердан эмас, 40 центнердан ҳосил берамиз. Шунга яраша тайёргарлик кўраяпмиз.

Бошқа сўзга чиққан ўртоқлар колхозда техника ремонтини ташкил этиш, ишнинг сифатига алоҳида эътибор бериш, шунингдек пахта териш машиналаридан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш, бунинг учун эса ҳозирги кунларданоқ ҳаракат қилиб, чигит экиш ва ғўза парваришини пахтани машинада териб олишга мослаб ўтказиш, Тюпко методини кенг қўлланиш тўғрисида гапирдилар. Шундай қилиб, колхоз аъзолари мавжуд 600 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экиш ва механизациядан кенг фойдаланиш йўли билан аввалги 30 ўрнига ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхозда КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарори умумхалқ муҳокамасига ташланган дастлабки кунлардаёқ бу илғор хўжаликнинг аъзолари партия ва ҳукуматнинг бу тадбирини қизғин қўллаб-қувватладилар, районда биринчилар қатори ўзларига керакли техникани сотиб олдилар. Колхоз аъзолари техникани сотиб олдик, энди ишимиз юришиб кетади деб бўшашувчиликка йўл қўймадилар. Балки бу техникадан мумкин қадар унумли фойдаланиш ва ҳосилни ошириш тадбирларини белгилаб, ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб олдилар. Шундан буён анча вақт ўтди. Колхоз аъзолари сўз бердикми, албатта бажаришимиз керак, деб дала ишларини ҳар қачонгидан қизғинроқ юбордилар. Маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ишлари ғоят уюшқоқлик билан ўтказилди. Колхоз аъзолари чигит экишга пухта тайёргарлик билан киришдилар.

В. ШОДМОНОВ,
Н. РИХСИЕВ,

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари чигит экишга уюшқоқлик билан киришдилар. **Суратларда:** 1. Бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **М. Йўлдошева** уруғлик чигитни экишдан олдин текшириб кўрмоқда. 2. Квадрат-уялаб чигит экиш пайти.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотолари.

Бекободда чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳамма имкониятлар бор

Тез-тез қаттиқ шамол бўлиб турадиган Бекобод райони шароитида ерни запас суғориш ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги кўп йиллик кузатишлардан маълумдир.

Ўтган йили баҳорда об-ҳаво ноқулай келгани туфайли ердан нам тез кўтарилиб кетди, оқибатда чигит суви беришга мажбур бўлинди. Тупроқ ҳолати запас суғоришни талаб қиладиган колхоз ва совхозларда ерларни запас суғоришда 541 киши ишламоқда, ҳар куни 200-250 гектар ерга сув таралмоқда.

Навоий номли, Ленин номли, Карл Маркс номли колхозларда айрим ерларга чигит экилиб, оммавий равишда чигит экишга механизмларнинг тайёрлиги синаб кўрилаётир. Экиш ишлари пухта ўйлаб тузилган план асосида бошлаб юборилмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозлар бу йил пахта майдонларини тўла ҳайдаб, бороналаб қўйган эдилар. Шу кунларда колхозларда ерни текислаш билан бирга гектарларнинг тўлиқ бўлиши учун курашилмоқда. Ленин номли колхознинг 1, 6, 9-бригаталарида ер четларидаги ва ўрталаридаги нотекис ерлар, йўл ёқаларидаги, уватлардаги, фойдасиз ётган бўлтак ерлар текисланиб, чигит экишга тайёрланилмоқда.

1-МТС қолоқ колхозларга ёрдамни кучайтириб, янги олинган 4 та ДТ-54 маркали тракторни уларга юборди. Барча тракторларни ва механизмларни тўла ремонтдан чиқариб берди. Техника жиҳатидан ёрдам бериш учун кўчма устахона, контроль-механик бирикитиб қўйилди.

МТС ишчи кучлари кам бўлган бу колхозларда 50 процент пахта майдонига квадрат-уялаб чигит экишни, барча майдонлардаги ғўзаларни икки томонлама парвариш қилишни планлаштириб, зарур тайёрлик ишларини кўриб қўйди.

Шундай тадбирлар ҳозир райондаги Дзержинский номли, Карл Маркс номли, Гулистон ва Навоий номли колхозларда ҳам амалга оширилаётир.

Бироқ бу фактларга қараб районда ҳамма ишлар жойида экан деб бўлмайди. Масалан, ерда нам ҳосил қилиш учун чигит экишдан олдин ерларни суғориш иши ҳали ҳамма колхозларда ва совхозларда талабга унча жавоб бермайди. Айниқса бу иш 2-МТС зонасидаги колхозларда, 1, 2-«Далварзин» ва «Чаноқ» совхозларида яхши ташкил этилмаган.

Кўклам экиш кампаниясининг муваффақиятли ўтказилиши ва ғўза парваришининг тўхтовсиз бошлаб юборилиши мавжуд механизмларнинг ишга тўла тайёрлаб қўйилишига боғлиқдир. Аммо районда мавжуд техника ҳали тўла тайёр эмас. 1-МТСда 157 универсалдан 9 таси, 1-«Далварзин» совхозида 234 универсалдан 126 таси, 2-«Далварзин» совхозида 102 универсалдан 30 таси, «Чаноқ» совхозидаги 37 та универсалдан 17 таси тайёр қилинмаган.

Бундан ташқари районда бу йил 1130 гектар қўриқ ер ўзлаштирилиши, шу ерларнинг кўпига чигит экилиши лозим эди. Вақт ўтиб кетаётганига қарамай бу соҳадаги иш кечиктириб юборилмоқда. «Чаноқ» совхозида янги ўзлаштириладиган 500 гектар ер бўлишига қарамай уни ўзлаштириш учун иш кучайтирилмаган.

Бугун-эрта районда чигит экиш оммавий равишда бошланиб кетиши, чигит экиш 10-12 кунда тамомланиши керак. Лекин ҳозиргача 19160 гектар пахта майдонидан фақат 5000 гектари текисланиб, чигит экишга тайёрланган, холос. Шунга қарамай колхоз ва совхозлардаги мавжуд ишчи кучлари ер текислаш ишларига тўла сафарбар этилмаган.

Бекобод район партия, совет ташкилотлари, МТС ва совхозларнинг коллективлари мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиб, ҳамма ишчи кучларини дала ишларига тўла сафарбар этиш учун курашишлари зарур.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Иван Федорович Тевосянни дафн этиш маросими

3 апрелда Москва давлат ва партиянинг атоқли арбоби, совет оғир саноатининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати, СССРнинг Японияда ги фавқулодда ва мухтор элчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иван Федорович Тевосянни дафн этди.

Эрталабдан бошлаб Союзлар уйининг Колонна зали одамларнинг кириши учун очилди. Бу залда марҳумнинг ҳоки солинган қути баланд супачага кўмкўк ўтлар ва гуллар орасига қўйилган.

Пойтахтнинг минглаб меҳнаткашлари, саноат корхоналарининг, муассасаларнинг, ўқув юртларининг, қўшинларнинг делегациялари партия ва халқнинг содиқ фарзанди билан охирги марта видолашмоқ учун келдилар. Москва области, Череповец, Липецк, Сибирь, Украина металлурглари ҳам Иван Федорович Тевосяннинг ёркин хотирасига москвиликлар билан бирга ўзларининг чуқур ҳурматларини изҳор қилмоқ учун келганлар.

Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида И. Ф. Тевосян билан ишлашган бокулик кекса большевикларнинг бир группаси: «Иван Федорович Тевосянга — бокулик кекса большевиклардан» деган сўзлар ёзилган гулчамбар қўяди. Г. Х. Саркисов, М. С. Каспарова, А. Г. Мирзоянц, М. Ю. Пухович, Г. М. Тер — Саркисов ва Бокуда бирга ишлашган бошқа сафдошлар фахрий қоровулликда турадилар.

Дафн этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари охирги фахрий қоровулликда турадилар. Союзлар уйига кириш тўхтатилади. Залда И. Ф. Тевосяннинг қариндошлари ва яқинлари, атоқли партия ва давлат арбоблари, партия ва совет ташкилотларининг, заводларнинг вакиллари қоладилар.

Мотам оҳанглари тўхтовсиз янграмоқда. Гулчамбарларни колонна залидан кўчага олиб чиқадилар. Дафн этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари марҳумнинг ҳоки солинган қутини авайлаб кўтариб залдан олиб чиқадилар. И. Ф. Тевосянга Ватан олдидаги катта хизматлари учун берилган мукофотлар: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин медали, бешта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар, депутатлик нишони шойи ёстиқчаларга қўйилган.

Мотам маросими аскарий эксперт ҳамроҳлигида Қизил майдонга томон йўл олади. Бу ерда пойтахтнинг минглаб меҳнаткашлари И. Ф. Тевосян хотирасига бағишланган митингга тўпланганлар. Улар орасида бир қанча металлургия корхоналарининг делегациялари ҳам бор.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин ўртоқлар, дафн этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари трибунага чиқадилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Ижроия Комитетининг Раиси П. Н. Бобровников И. Ф. Тевосян хотирасига бағишланган мотам митингини очади.

Митингда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва СССР Олий Совети Президиуми номидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигин, Москва меҳнаткашлари номидан — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. И. Устинов, «Электросталь» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан СССР Олий Совети депутати, шу заводнинг пулат эритувчиси ўртоқ А. П. Журавлев, СССР Ташқи ишлар министрлиги номидан — министрнинг биринчи ўринбосари ўртоқ Н. С. Патоличев нутқ сўзладилар.

Митинг тугади. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, дафн этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари И. Ф. Тевосян ҳокиси солинган қутини авайлаб кўтариб, Кремль девори томон йўл оладилар. Артиллерия салюти ва СССР Давлат гимни садолари остида қути девордаги туйнукка қўйилади ва ёзув ёзилган мармар тахта билан ёпилади.

Аскарий қисмлар И. Ф. Тевосянинг охирги ҳурматини бажо келтириб, Мавзолей олдидан ўтадилар. (ТАСС).

БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛИЧАСИ ЕЛИЗАВЕТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Бельгия Қироличаси Елизавета Ҳазрат Олиялари 4 апрелда республика пойтахтининг ҳаёти билан танишди.

Эрталаб Қиролича ва унинг ҳамроҳларидан бир қисми шаҳар бўйлаб саёҳат қилиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилдилар. Сўнгра ҳурматли меҳмон Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатига қараб йўл олди. Узоқ вақт, у читта гул босиш фабрикасида бўлиб, бу ерда газламалар ишлаб чиқариш билан, чиқариладиган газламаларнинг ассортименти ва миқдори билан қизиқди.

Тайёр маҳсулот бўлимида Қиролича газламаларнинг нусхаларини кўздан кечирди, тўқимачи аёллар группаси билан суҳбатланди ва улар билан бирга суратга тушди.

Ёш мутахассис — инженер-химик Кимё Ўринбоевага мурожаат қилиб, ҳурматли меҳмон унинг оиласи аҳволи билан қизиқди.

— Мен эрга текканман ва менинг қизим бор, қизимга яқинда бир ёш тўлди, — деди тўқимачи.

— Жуда яхши, шундай ёш бўлсангиз ҳам масъулиятли вазифада ишлар экансиз, — деди Қиролича.

Тўқимачиларнинг турмуши билан танишар экан, Қиролича тўқувчи Садди Пўлатованинг квартирасида бўлди.

Кунниг иккинчи ярмида Елизавета Ҳазрат Олиялари Сталин номли пионерлар саройига борди. Болалар ўз ижодларини намойиш қилиб кўрсатдилар, СССР ва чет эл Шарқи халқларининг рақсларини ижро этдилар. Бельгиялик меҳмонларнинг бир группаси Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диния назоратида, Ўзбекистон ССР санъат музейида бўлдилар (ЎзТАГ).

Далалардан дараклар

ЎРТАСАРОЙ. Сталин номли колхознинг Усмон Арзлонов бошлиқ бригада аъзолари ўзларига бириктилган 70 гектар майдонга 300 тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқариб тўкдилар ва барча майдонларни сифатли тайёрлаб экишга киришдилар.

Бригаданинг Г. Алиева, Н. Аҳмедова, А. Иззатов, М. Жалолова каби аъзолари нормани ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Т. УСМОНОВ.

ПИСКЕНТ. Шверник номли колхознинг Носир Исҳоқов бошлиқ бригада аъзолари бу йил чигит экишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Экишгача қилинадиган ишларнинг барчаси ўз вақтида ва сифатли бажарилди.

Бригадада ишлайдиган механизатор Қаршибой Султонов 20 гектар майдонни Тюпқо усули билан ишлашга аҳд қилиб, ҳар гектар ердан 29,5 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олди.

А. АБДУЛҲАКИМОВ.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

Сатиранинг баъзи масалаларига доир

Коммунистик партия совет ёзувчиларидан воқеликни чуқур ўрганишни, уни ҳаққоний акс эттиришни, адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлашни доим талаб қилиб келмоқда. Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган мақоласида мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни, Ватанимизнинг қудратини, совет кишиларининг юксак маънавий, олижаноб фазилатларини кўйлаш барча ёзувчи ва санъат ходимларининг муқаддас вазифаси эканлиги ленинча принцип асосида чуқур таҳлил қилиб берилган. Бу мақолада турмушимизнинг ижобий ва ёркин томонларини ифодалаш билан бирга олға томон илдам ҳаракат қилишимизга тўсиқ бўлиб турган камчиликларни танқид қилиш, салбий ҳодисаларни очиб ташлаш ва қоралаш ҳам тақоза қилинади.

Ҳаётдаги қайси бир типик воқеани танлаб олиб ёритиш албатта ёзувчининг ўз ихтиёридаги иш. Ҳамма гап уни қайси ғоявий позицияда туриб тасвирлашдадир.

Ўзбек совет сатириклари бошқа қардош халқлар ёзувчилари каби коммунизм идеаллари учун курашиб, олға кетишимизга тўсиқ бўлган салбий кишиларни, ватан душманларини ҳамда ҳаётда катта нуқсонларга йўл қўйган, жамоатчилик олдида ўзини қоралаб қўйган разил, жирканч, хасис, қўпол, аҳмоқ, данғаса, уқувсиз, гўл, пияниста, бюрократ, бузуқ, формалист каби турлитуман кишиларни ўз асарларида қаттиқ қораламоқдалар.

Ҳамза Ҳакимзода, С. Айний, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Б. Раҳмонов ва бошқа сатирикларимиз сатира жанрининг принципларини яхши эгаллаганлари ҳолда ўз асарларининг асосига салбий персонажларни қўйиб, уларнинг моҳиятини коммунистик позицияда туриб усталик билан очиб бердилар, улардаги иллат, жирканч хислатлардан ҳамда ҳар хил ножўя ишлари устидан баралла кулдилар.

Салбий типнинг характерини очишда заҳарханда кулгининг роли каттадир. Кулги, комедия, юмор, ирония, сарказм ва сатирасиз салбий персонажни тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар бир сатирик асар ва салбий образ кулги, масхара асосида яратилган бўлиши керак.

Кулгининг жамиятдаги роли ғоят каттадир. Кулги эски, қолоқ, сохта нарсаларнинг ниқобини йиртиб ташлаб ҳаққониятни ойдинлаштиради.

Ўзбек совет сатириклари чуқур мазмун билан сугорилган кулгиди усталик билан фойдаландилар. Улар ижтимоий ҳаётдаги, борлиқдаги иллат, ярамасликлар, камчиликлар, чириган нарсалар, кишиларнинг фаолиятида юз берган хатолар, адашишлар, характеридаги нуқсонлар — ғуллик, калтафаҳмлилик, анқовлик, ўжарлик, қўполлик, лаганбардорлик ҳамда бюрократизмни кулги ёрдами билан очиб ташладилар, фош қилдилар ва шафқатсиз равишда қораладилар. Улар яратган сатирик асарларнинг сюжети кулги асосида қурилгандир. Асар конфликти, ундаги ситуацияларнинг негизи кулгили характерга эга. Персонажларнинг характерларидан, уларнинг ички дунёсидан кулги келтириб чиқарилди. Улар кулгили қиёфада кўрсатилиб, хатти-ҳаракатлари, сўзларнинг мазмуни билан кулгили аҳволга тушиб қоладилар, кулгили вазиятларда кўрсатиладилар, улар бу билан қаттиқ масхара қилинадилар.

Қори Ишкамба («Судхўрнинг ўлими»), Қози, Ҳидоятхон, Муллаўзи («Майсаранинг иши»), Мадмуса («Ким айбдор»), Мамажон («Тирилган мурда»), Эшон («Шум бола»), Сурмахон, Саттор, Рузвон хола («Юрак сирлари»), Марасул, Заргаров, Фотима, Хуморхон («Оғриқ тишлар») ва бошқалар шу тарзда яратилган сатирик персонажлардир. Бу образлар ҳақиқий юмористик, сатирик кулги билан моҳирона сугорилгандир.

Лекин авторларнинг предметга, воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга муносабати ва улар устидан кулиши бир хил характерда эмас. Маълумки, кулги бир неча турларга, формаларга бўлинади; қувноқ, лирик, самимий кулги, зардали, киноялы, истеҳзоли, пичингли, масхарали, нафратли, ғазабли, заҳарханда, йиғлатадиган кулги бўлади. Булар юмор, ирония, сарказм, сатира каби ҳар хил турларга эга. Кулгининг даражаси, мақсади ва нозик фарқлари кулгининг объекти ва воқеаларнинг ғоявий йўналиши ҳамда ёзувчининг дунёқараши билан аниқланади.

«Туҳматчилар жазоси», «Майсаранинг иши», «Судхўрнинг ўлими», «Юрак сирлари», «Оғриқ тишлар» сатирик асарларида кулги, масхара, фош қилиш бир хил даражада берилмайди.

Ҳамза «Майсаранинг иши»да диний хурофотларни, дин ниқоби остидаги ифлосгарчиликларни очиб ташлади. Комедияда Ҳамза шариат пешволари Қози, Ҳидоятхон, Муллаўзиларнинг ахлоқий бузуқчиликларини, уларнинг ярамас, жирканч ишларини қаттиқ қоралайди.

Ҳамза Ҳакимзода ҳақиқий сатирик ёзувчи сифатида кулгидан зўр маҳорат билан фойдаланиб, салбий персонажларни кучли равишда масхара қилади. Автор кулгининг ҳаёт ва жамиятдаги буюк ролини усталик билан асарда ифода қилиб беради. Ярамас, ифлос нарсаларга, мунофиқларга қарши курашда кулги сатирикнинг қўлида ўткир қурол бўлиб хизмат қилади.

Ҳамзадан кейин, унинг бу соҳадаги бой тажрибасини давом эттирган сатирикларимиз воқеликдаги ҳар хил сарқитлар, иллатлар, чирик нарсалар, нуқсонларга қарши курашда кулгидан маҳорат билан фойдаландилар. Лекин шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Ҳамза кулгиси билан А. Қаҳҳор ёки Б. Раҳмонов кулгиси бир хил эмас, албатта. Замоннинг ўзгариши, жамиятнинг тараққий этиши билан бирга, кишилар ҳам ўзгарди, уларнинг характери ҳам такомиллаша борди.

Агар С. Айний «Бухоро жаллодлари», «Судхўрнинг ўлими»да, Ҳамза «Тўҳматчилар жазоси», «Майсаранинг иши»да акс эттирилган салбий персонажларга нисбатан ўлдирувчи, яксон қилувчи кулгини ишлатган бўлсалар, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор ва Б. Раҳмоновлар эса кўпинча кулги ёрдами билан салбий образларнинг тарбияланиши, илғорлар каторига қўшилишини кўрсатдилар. Бундай тасвирни ва мазмунни шубҳасиз ҳаётнинг ўзи айтиб берди. Сатирикларимиз эса инсонлардаги ўзгаришларни усталик билан бадиий формада акс эттирдилар.

Мамажон («Тирилган мурда»), Мадмуса («Ким айбдор») ва бошқа салбий образларда совет воқелигининг роли, жамоатчиликнинг таъсири ёркин ифодасини топган.

Социалистик тузум кундан-кунга олға қараб бормоқда. Мисли кўрилмаган ўзгаришлар билан бирга совет кишилари ҳам тарбияланди, улғайди ва ўсди. Уларда янги, социалистик онг ҳукмронлик қилмоқда. Лекин айрим шахслар капитализм қолдиқларидан ҳалигача қутилаолмаётирлар. Уларнинг онгида эскилик сарқитлари ҳамон яшаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда эскилик сарқитларига мубтало бўлган, уни амалга оширишга, ёйишга уринганлар Ҳамза тасвирлагандай бошига катта салла ўраган, оғзидан калима тушмаган, алифдан бошқани билмайдиган шариат пешволари, руҳонийлар эмас, балки бошига «шляпа», эгнига янги «тўн» кийган, «ўзи бошқа — сўзи бошқа» олифта маълумотга эга бўлган «билимдон» кишилардир. Бу сарқит касалига учраганлар А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесаларида ва бошқа кўп ҳикоя, фельетонларда шафқатсиз равишда фош қилиб ташланмоқда.

Б. Раҳмонов ўзининг «Юрак сирлари»да мешчан хотинларни, хотинбоз кишиларни қаттиқ қоралади. Драматург шу кунларда турмушимизда юз бераётган типик воқеаларни, инсонлар характерида давом этиб келаётган қолоқликни, феодалларча муносабатларнинг янги хилларини, буржуа идеологиясининг кўринишларини, жирканч хислат ва ярамас хатти-ҳаракатларини танлай олди ва умумлаштирди.

Абдулла Қаҳҳор «Оғриқ тишлар» асосида ҳам Б. Раҳмонов кўтарган проблемани давом эттирди ва айрим ўринларда ривожлантирди. А. Қаҳҳор ўзига хос стиль билан хотинқизларга феодалларча муносабатни ҳаётий фактлар асосида фош қилди. Бу тема А. Қаҳҳорнинг бир қанча ҳикояларида («Холис таклиф», «Қайғулар» ва бошқалар) маълум даражада акс эттирилган эди. Лекин ёзувчининг ҳеч бир асарида нуқсонлар, иллатлар, хотинларни қул ўрнида кўриш «Оғриқ тишлар»дагидек кескин, шиддатли, жиддий, кенг очиб ташланмаган эди. А. Қаҳҳор ўз асарида янги типик воқеа, ситуация, янги моментларни ҳаётдан танлай олиб, бир-биридан фарқ қиладиган образлар яратди.

«Оғриқ тишлар», «Юрак сирлари» билан «Шоҳи сўзана»да предметни фош этиш характери, кулгининг йўналиши ва мазмуни бир хилда эмас. «Шоҳи сўзана» асосан юмор билан сугорилган бўлса, «Оғриқ тишлар», «Юрак сирлари» асосида сатира ётади.

Ҳар бир сатирик асарда ижобий идеал, ижобий куч, ижобий қаҳрамоннинг кераклигича, етарли даражада акс эттирилиши мумкин ва зарурдир. Бунга айниқса совет воқелиги кенг йўл очиб беради. Демак, айниқса йирик сатирик асарда ижобий қаҳрамон қанчалик чуқур, кенг ва ҳар томонлама ифода этилса, барча ярамас, қолоқ сарқит, ўлимга маҳкум этилган кучларга қарши кураш, янгилик билан эскилик ўртасидаги конфликт шунчалик кескин ва ўткир характерга эга бўлиб, ҳаёт ўзининг ҳаққоний аксини шунчалик тўғри топа олади. Сатирада ижобий қаҳрамон ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши шарт.

Ижобий куч, социал идеал, коммунистик ғоя етарли ифодаланмаса, ёки хира акс эттирилса ҳаёт бузиб кўрсатилади. Бу ҳолда сатириклар фақат салбий нарсаларни турмушдан танлаб олиб, уларни умумлаштириб қаттиқ қоралаш йўлига ўтадилар. Қайси бир романвис, драматург ўз сатирик асарида шундай йўл билан воқеликка ёндошса, у ҳаётни бир томонлама кўрсатган бўлади, шундай қилиб ҳақиқатни бузиб талқин қилади. Нотўғри умумлашма, нотўғри типиклаштирмаларга йўл қўяди.

Бундай адабиётчилар тўғрисида тўхталиб, ўртоқ Н. С. Хрущчев қуйидагиларни айтган эди: «Улар адабиёт ва санъатнинг вазифаси фақат камчиликларни топиб кўрсатишдан, нуқул турмушнинг салбий жиҳатлари ҳақида, машаққатларни кўрсатувчи фактлар ҳақида гапириб, турмушдаги барча ижобий жиҳатлар ҳақида оғиз очмасликдан иборат деб тушунтиришга уринадилар. Ваҳоланки, турмушдаги мана шу ижобий янги ва прогрессив жиҳатларнинг ҳаммаси социалистик жамиятнинг барқ уриб ривожланиб бораётган воқелигидаги асосий жиҳатдардир». Салбий нарсаларни нотўғри тушуниш ҳоллари баъзи асарларда хунук из қолдирди.

Сўнгги йилларда пайдо бўлган Л. Зорининг «Меҳмонлар», М. Городецкийнинг «Арбоб», С. Михалковнинг «Қисқичбақалар», А. Мариенгофнинг «Валлиаҳли шаҳзода», С. Нариняннинг «Аноним» комедияларида ҳамда В. Дудинцевнинг «Биргина нон билан эмас» романи, Д. Граниннинг «Шахсий фикр» ҳикояси ва С. Кирсановнинг «Ҳафтанинг етти куни» поэмаларида совет воқелиги бизнинг кўрсатилди, бизнинг ҳаётимизга тўхмат қилинди. Бу асарларда нуқсонлар, ярамас ҳодисалар ошириб кўрсатилди, турмушдаги ижобий нарсалар, ҳақиқий совет кишилари тасвирланмай, четда қолиб кетди.

Совет сатирасининг вазифаси — бизнинг олдинга интилишимизга, коммунизм қуриш ишимизга халақит берадиган ҳамма нуқсон, иллат, мараз, камчиликларни йўқотишда коммунистик партия, совет халқи, социалистик ижтимоий тузумга ёрдам беришдан иборатдир. Совет ҳокимиятини, социалистик тузумни мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишни тезлаштиришга, кишиларимизни ватанпарварлик, қийинчиликларни енгиб ўтиш руҳида тарбиялашга ёрдам бермайдиган сатира бизга керак эмас.

Совет сатириклари ҳаётимизда ҳали учраётган нуқсонларни, камчиликларни йўқотишга қаратилган танқидни социалистик воқеликка қилинадиган туҳматдан аҳрата олишлари зарур. Танқид билан туҳматнинг чегарасини белгиламасдан туриб, ҳаётни ҳаққоний акс эттириб бўлмайди, типик сатирик ҳодисаларни танлаш мумкин эмас. Маълумки, ҳаётимизнинг асосини ижобий ҳодисалар ташкил қилади. Социалистик жамиятни ривожлантирган, тараққий эттирган миллион-миллион совет кишиларидир. Булар ҳар қандай иллат, сарқит, маразларга қарши жиддий кураш олиб бормоқдалар.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ

Москвада 1-3 апрелда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг сессияси бўлди. Сессия академиянинг иш якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорлари муносабати билан академиянинг вазифаларини муҳокама қилди.

Сессия Академия президенти П. П. Лобановнинг докладини ва институтларнинг директорлари А. И. Тулупников, Н. М. Бурлаков, М. В. Сабликов ва А. И. Залонцевларнинг кўшимча докладларини тинглади.

Докладни муҳокама қилишда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиклари қатнашиб, КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ва СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорларини яклиллик билан маъқулладилар.

Музокараларда қатнаштанларнинг сўзларида колхоз ишлаб чиқариши билан фаннинг алоқасини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Бу жиҳатдан Украина ССР илмий ходимларининг тажрибаси катта эътиборга сазовордир. Украина ССР илмий ходимларининг тажрибаси тўғрисида академик П. А. Власюк гапириб берди.

Музокараларда мамлакатдаги илғор колхозларнинг раҳбарлари Ф. И. Дубковецкий, Е. И. Андреева, А. Н. Белов ва И. А. Буянов қатнашдилар. Улар ўз хўжаликларининг фаолияти тўғрисида гапириб, фан олдига бир қанча жиддий вазифалар ва талаблар қўйдилар.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири В. П. Миларшчиков қишлоқ хўжалик фани ходимларининг колхозларга амалий ёрдам бериши ҳақида гапирди. Сессия ўз қарорида таъкидлайдики, партия томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларини янада ўстиришнинг роят катта перспективаларини очиб беради.

Сессия колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва уни ташкил этиш, механизациялаш, деҳқончилик, чорвачилик соҳасида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа бўлимларида ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг асосий проблемаларини белгилади.

Сессияда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг янги академиклари ва корреспондент аъзолари сайланди. (ТАСС).

ВАРШАВАДА ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАРШАВА. 3 апрель. (ТАСС). Варшавада кеча социалистик мамлакатларнинг халқаро журналистлар ташкилотига кирган бирлашмалари ва журналистлар союзлари томонидан нашр этиладиган журнал ва газета редакторларининг халқаро конференцияси тамом бўлди.

Конференцияда иш тажрибаси алмашишни янада кенгайтириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

БУДАПЕШТ. 3 апрель. (ТАСС). Бугун барча венгер газеталари Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Будапештга келганлиги тўғрисида, делегация аъзоларининг Венгрия парламентида бўлганликлари ҳақида ва Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бошланганлиги тўғрисида муфассал хабарлар босиб чиқардилар.

«Непсабадшаг» газетаси бош мақола эълон қилиб, унда мамлакат аҳолиси совет халқи вакилларини азиз меҳмонларни кутаётган хўжайиндек фахрланиб ва шодлик билан кутиб олди, деб ёзади. Газета ёзадики, совет делегациясига етакчи социалистик мамлакат, жаҳон социалистик давлати Министрлар Советининг раиси, биринчи голибона пролетар революциясини амалга оширган Коммунистик партиянинг биринчи секретари бошчилик қилаётганлиги ва давлат ҳамда партиянинг атоқли раҳбарлари делегация аъзолари бўлганлиги қалбни шодлик ва кувонч туйғулари билан тўлдиради. Биз удар орқали Совет Иттифоқининг бутун қардош халқини табриклаймиз. Миллионлаб венгер меҳнаткашлари, деб давом қилади газета, совет халқига нима сабабдан ўзларининг энг беғараз дўстидек ҳурмат билан қарашларини яхши биладилар. Венгер ва совет халқлари меҳнаткашларнинг турмуш ва маданий даражасини ошириш ишида умумий мақсадга эгадирлар. Уларнинг тинчликни ҳимоя қилиш ишидаги қатъий иродалари ягонадир.

Фақат биз, венгерлар ва озод мамлакатларнинг халқларигина эмас, деб ёзади, «Непсабадшаг», балки бутун ер юзида асоратга солинган ишчилар, деҳқонлар ва тараққийпарвар кишилар Совет Иттифоқи олиб бораётган курашни қойил қолиб ва фахр билан кузатиб келдилар ва кузатмоқдалар. Бизнинг душманларимиз венгер ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва иттифоқи қачон бўлса, ҳам бузилади ва сусаяди, деб беҳуда ният қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, деб кўрсатади газета, ўз юртларида совет халқининг атоқли вакилларини меҳмон сифатида кутиб олаолганликлари учун шодлик туйғулари билан тўлиб-тошганлар. Совет халқи 13 йил мобайнида бизга беғараз ёрдам беришга тайёр эканлигини кўп марта кўрсатди ва бизнинг муваффақиятларимиздан роят шодланмоқда.

ИНДОНЕЗИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 6-ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЖАКАРТА. 3 апрель. (ТАСС). Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг олтинчи пленуми СССР Олий Советининг атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши тўғрисидаги қарорини қувватлаб резолюция қабул қилди. Бу қарор, дейилади резолюцияда, Совет Иттифоқининг бутун жаҳонга тинчлик учун самимият билан кураш олиб бораётганлигидан далолат беради. Индонезия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Индонезия ҳукуматини ва бутун халқини Совет Иттифоқининг бу қарорини қўллаб-қувватлашга ҳамда АКШ ва Англиянинг Совет Иттифоқидан ўрнак олишларини ҳамда ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида дарҳол билдиришларини талаб қилишга чақиради.

Пленум коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 йил ноябрида Москвада бўлган кенгашларида қабул қилинган тинчлик манифестини ҳамда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг декларациясини яқдиллик билан маъқуллади.

Пленум шунингдек, тинчликсевар халқларни ҳарбий пактларга қарши ва, жумладан, СЕАТОга қарши курашда актив қатнашишга ва уларнинг тарқатиб юборилишини талаб қилишга чақириб резолюция қабул қилди ҳамда Индонезияни гоминданчиларнинг фитнасини тугатишни талаб қилиб резолюция қабул қилди.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

* Софияда Болгария Халқ Республикаси билан Польша Халқ Республикаси ўртасида 1958-1960 йилларда тўловлар ҳақидаги битим, шунингдек 1958 йилда товар айирбошлаш ҳақидаги битим имзоланди. Битим ҳар иккала мамлакат ўртасида бу йил товар айирбошлашни 1957 йилдагига нисбатан 50 процент кўпайтиришни кўзда тутади.

* Америка Кўшма Штатларида янги ойлик «Жорнэл оф паблик интерест» журнали чиқа бошлади. Бу журнал Лос-Анжелосда «Америка гражданлари ҳаракати» ташкилоти томонидан нашр этилмоқда. Ойлик журнал редакцион мақоласида битимлар тузиш асосида халқаро келишмовчиликларни бартараф қилишга чақиради. «Америка гражданлари ҳаракати» ташкилотига кўпгина атоқли жамоат ва сиёсий арбоблар киради.

* Бирлашган Араб Республикаси миллий ориентация министрлигининг таклифига мувофиқ, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов бошчилигида совет маданияти арбоблари делегацияси Қоҳирага келди.

* Берлиндаги «Берлинер ансамбль» театри Всеволод Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия» пьесасини саҳнага қўйди. Спектакль режиссёр Петер Палич ва Манфред Беккерт томонидан қўйилди. Немис тамошабинлари пьеса премьерасини қизғин кутиб олдилар.

* Рио-де-Жанейродан олинган хабарга қараганда, Бразилия 1935 йилда Кўшма Штатлар билан имзоланган савдо битимини расмий суратда бекор қилган.

3 апрель. (ТАСС).

Албания меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленуми

ТИРАНА. 3 апрель. (ТАСС). 1 ва 2 апрелда Тиранада Албания меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум Албания меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, касаба союзлари марказий Совети раиси Пило Перистерининг «Албания касаба союзларининг ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди. Доклад юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ВДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ. 3 апрель. (ТАСС). Кеча Ханойда СССР Олий Советининг атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши ҳақидаги қарори ҳақида ВДР ҳукуматининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда бундай дейилади: Бу қарор СССР ҳозирги пайтнинг энг зарур проблемаларидан бирини ҳал этишга қатъий қарор берганлигини исбот этувчи муҳим ташаббусдир. Ядро қуроли синовларини тўхтатиш ана шу қуролни тамомила тақиқлаш йўлидаги роят муҳим қадамдир. Бу чора турли миллатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга, «совуқ уруш»ни тўхтатишга, қурол-яроғларни камайтиришга ва мустаҳкам тинчликни таъминлашга ҳам ёрдам беради.

Баёнотда таъкидлаб айтилишича, Совет ҳукумати атом ва водород қуролига эга бўлган мамлакатларнинг ҳукуматларига ядро қуролини ишлаб чиқаришни, бу қурол синовларини ва ундан фойдаланишни тақиқлаш йўлидаги биринчи чора сифатида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзолашни кўп марта таклиф этди. Жаҳон жамоатчилиги бу таклифларни қизғин маъқуллади. Аммо Ғарб мамлакатларининг тутган позицияси орқасида бу масала юзасидан халқаро миқёсда шу вақтгача бир битимга келинмади.

Ҳозирги вақтда СССР атом ва водород қуроли синовларини бошқа мамлакатлар тўхтатмагани ҳолда ўзи тўхтатишга қарор берди. Ғарб давлатлари ҳукуматларининг Совет Иттифоқидан ибрат олиш пайти келгач.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва вьетнам халқи СССРнинг тинчлик ва инсоният манфаатларига муносиб бўлган ана шу ташаббусини тамомила қувватлайдилар.

Ер юзидаги аҳолининг сони

НЬЮ-ЙОРК. 3 апрель. (ТАСС). БМТ статистика йилномасининг хабарига кўра, ер юзининг аҳолиси 1950 йилдаги 2.495 миллион кишидан 1956 йилда 2.737 миллион кишигача кўпайган. 1956 йилда бутун дунё аҳолиси қуйидагича тақсимланади: Африка—220 миллион. Шимолий ва Жанубий Америка—374 миллион. Осиё—1.514 миллион. Совет Иттифоқидан бошқа Европа—412 миллион. Совет Иттифоқи — 200 миллион. Океания—15,1 миллион киши.

Австриядаги Вена давлат опера театрининг прима-балеринаси Маргарет Бауэр-Покорни Тошкентга гастролга келди. У Навоий номидаги опера ва балет театри саҳнасида қўйилаётган «Жизель» балетида қатнашмоқда. Латвия ССР Давлат опера театрининг балет солисти Гарольд Ритенберг ҳам австрияли балерина билан бирга ўйнамоқда.

Бауэр-Покорни ижро этаётган Жизель партияси пойтахт тамошабинларига манзур бўлмоқда. Улар балерининанинг санъатига юқори баҳо бермоқдалар.

Маргарет Бауэр-Покорни етти ёшида Вена давлат операси хузуридаги балет мактабига кириб ўқий бошлайди. 1945 йилда у Р. Штрауснинг «Каприччио» операсида якка рақсни ижро этади. Шундан бери кўпгина балетларда иштирок этиб келмоқда. Жизель ролини эса биринчи марта ўтган йили ижро этган. Суратда: (чапдан) Гарольд Ритенберг ва Маргарет Бауэр-Покорни «Жизель» балетидан биринчи кўринишни ижро этмоқдалар.

А. Палехов фотоси.

Қушлар байрами

Қушлар бизнинг дўстимиз. Уларни болалар, айниқса, яхши кўришади. Шу сабабли ҳам илк баҳор бошланиши билан улар ўз дўстлари учун жажжи инлар ясаб, дарахтшохларига ўрнатадилар, қушларнинг учиб келишини орзиқиб кутадилар.

Шу муносабат билан Тошкент ҳайвонот боғида яқинда «Қушлар байрами» ўтказилди. Пўлкалар ёқасида турли шиор, диаграмма ва плакатлар... Уларга қуш расмлари илова қилинган. Олимларнинг қушлар ҳақидаги сўзлари ҳам ёзиб қўйилган. Бу диаграмма ва расмлар болаларга қушлар тўғрисида кўп маълумот беради.

«Қушлар байрами» бошланади. Болалар ҳайвонот боғи ходими ўртоқ А. Ганзюкнинг «Қушлар бизнинг дўстимиз» деган темадаги докладини мароқ билан тинглайдилар. Шундан сўнг болалар ҳайвонот боғида сақланаётган қушлар билан бирма-бир танишадилар. Бу қушларнинг кўпчилигини ҳайвонот боғи қошида ташкил этилган ёш натуралистлар тўгараги аъзолари тарбиялайдилар.

«Қушлар байрами» программасида савол-жавоблар кечаси ҳам бор эди. Ўртага ташланган қушлар ҳақидаги саволларга ҳар ким тез жавоб беришга ошиқади. Бундай саволларга тез жавоб берганлар каптар, балиқ, қуён ва бошқа хил жониворлар билан мукофотландилар.

Тошкент ҳайвонот боғи ва Сталин номидаги пионерлар саройи ёш натуралистлари томонидан ташкил этилган «Қушлар байрами»га пойтахтнинг Октябрь, Ленин, Киров район мактаб ўқувчилари ҳам актив қатнашдилар.

А. АКБАРОВ.

Ҳасан, Хусан ва Тоҳир

Бўка районидаги Хрушчев номли колхоз аъзоси Норпоч Акмалова яқинда уч ўғил туғди. Колхоз правлениеси Акмаловага яхши ғамхўрлик қилмоқда. Правление уни пул билан тақдирлади ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлади. Колхоз медицина пунктининг фельдшери она ва болаларнинг соғлиғидан тез-тез хабар олиб турибди.

Янги меҳмонлар — Ҳасан, Хусан ва Тоҳир соғ-саломат ўсмоқда, она ҳам ўзини яхши ҳис этмоқда.

А. БОЯРОВ,
Ғ. МАВЛОНОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

СССР биринчилиги учун зонал мусобақалар

29 мартда Олмаота шаҳрида шахмат бўйича СССР биринчилиги учун ўтказиладиган традицион XXVI зонал мусобақалар бошланди. Мусобақаларда қатнашиш учун Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Молдавиянинг энг кучли шахматчилари — ҳаммаси бўлиб 20 киши бу ерга тўпланди. Улар орасида спорт мастерлари М. Муҳиддинов (Ўзбекистон), Жуховицкий (Молдавия), Уфимцев (Қозоғистон), мастерликка кандидат Гольяк, Каталимов (Қозоғистон), Гитерман (Молдавия), Мирошниченко (Қирғизистон), Грушевский, Бирбрагер, Мухин, 1-разрядли Сарваров (Ўзбекистон), Каражаев, Нурмамедов (Туркманистон) ва бошқа ўртоқлар бор. Мусобақа бир ой давом этади.

Ўйиннинг биринчи турида мастерликка кандидат Мухин Қирғизистонли Сливинга ютқазди. Старостин (Қозоғистон) — Валиев (Туркманистон) ва Нурмамедов — Бирбрагер ўртоқларнинг партиялари дуранг бўлди.

Иккинчи турда Уфимцев Валиев устидан, Жуховицкий Старостин устидан галаба қозонди. Грушевский Сарваровни, Каталимов Гольякни ютди. Спорт мастери Муҳиддинов билан молдавиялик Гитерман ўртасидаги ўйин эса дуранг бўлди. Қолган партиялар кечиктирилди.

Спартакиада давом этмоқда

Тошкентда бошланган республика ёшларининг баҳорги спартакиадаси спортчи йигит-қизларнинг маҳорати ўсганлигини кўрсатмоқда. «Локомотив» спорт жамияти залида эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақада спартакчилар голиб чиқдилар.

«Спартак» стадионида 300 дан ортиқ спортчи енгил атлетика биринчилиги учун курашди. Ёшлар орасида 100 метрга югуришда И. Крюков («Буревестник») биринчи ўринни олди. В. Семенцов («Буревестник») 185 сантиметр баландликдаги планкадан ошиб ўтиб, янги республика рекордига эришди. Енгил атлетика мусобақаларида «Буревестник» спортчилари галаба қилдилар.

Спартакиада давом этмоқда.

Телевизор экранида

5 АПРЕЛДА

19.30 Ҳамза номли театрнинг «Алишер Навоий» спектакли кўрсатилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Сатиранинг баъзи масалаларига доир

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Ҳаётимизда учраб келаётган сарқитлар, иллатларга қарши кураш кичик ҳажмдаги сатирик ва юмористик асарларда ҳам ёритилмоқда. Бундай асарларни ўз ичига олган бир қанча тўпламлар чиқди. Мисол тариқасида охирги вақтларда китобхонларга тақдим қилинган «Сатира ва юмор»[1] ҳамда «Биз кимлардан куламиз»[2] тўпламларини олиб кўрайлик. Бу тўпламлардаги ҳикоялар ва шеърлар турли темаларни ўз ичига қамраб олади. Тўпламларда уста ва тажрибакор сатириклар Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Мумтоз Муҳамедов, Акмал Пўлат, Саид Аҳмаднинг асарлари билан бирга ёш каламкашлар Аббос Муҳитдин, Самеъ Абдуқаҳҳор, Босит Ҳалил, К. Муҳамедов ва бошқаларнинг сатирик ва юмористик ҳикоялари, шеърлари ва бир пардали пьесалари жой олган.

Бу нарса сатириклар сафининг кенгайиб боришидан, ёш сатирикларнинг ўсишидан дарак беради. Сатирамиз ёш каламкашлар ҳисобидан фақат сон жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсди ва ривожланди. Унинг тематикаси бойиди.

Тўпламларга кирган кўп асарларда — Собир Абдулланинг «Обрўйим тўкилади», «Икки қавурма»ги, «Ёмон», М. Муҳамедовнинг «Ташвиш», «Ҳижолат», А. Муҳиддиннинг «Тататаҳўжа», «Бетоб», С. Абдуқаҳҳорнинг «Меҳмон», «Аччиқ дори», «Ҳалиқсираш», С. Аҳмаднинг «Орият», «Қуёв», О. Ёқубовнинг «Тирноқ остидан кир», А. Пўлатнинг «Ваздабоз раис», «Гап тарози босмайди», Назарматнинг «Ношуд директор», П. Мўминнинг «Директор ва трактор», Ж. Абдулланинг «Хўжайин» ва бошқа асарларда танқидни севмовчи, танқид қилган кишиларни ғувғи қилишга, йўқотишга уринган раҳбарлар, худбинлар, тўралар, бюрократлар, мақтанчоқлар, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарайдиган, фақат ошна-оғайнигарчилик йўли билан мансабга тайинлайдиган бошлиқлар, лаганбардорлар, енгил, фойдали ишни кўзлаган, айш-ишратга берилган, қуруқ ваъдабозлар сатира қамчиси билан саваланади.

Воқеликда ҳар хил типдаги шахслар, шу жумладан порахўрлар, зараркунандачилар, муттаҳамлар, айёр-шайтонлар, ифвогарлар, туҳматчилар, ёлғончилар ҳам учрайдики, буларга қарши сатириклар қаттиқ ўт очалидар. А. Муҳитдиннинг «Нуқсонбой», «Қитмир», С. Аҳмаднинг «Узун тил» ҳикояларида, Б. Ҳалилнинг «Совчилар» номли бир пардали комедиясида ва бошқа асарларда бу тема қисман бўлсада ўз ифодасини тоғган.

Кичик ҳажмдаги асарларда ҳам хотин-қизларга нисбатан феодалларча муносабатда бўлиш, улар билан тўраларча муомала қилиш, уларнинг ўсишига ҳалақит бериш ҳоллари сатира найзасига олинади.

Лекин баъзи асарларда, айниқса ёшларнинг асарларида — воқеалар саёз умумлаштирилади, характер кучсиз ёритилади. Бундай нуқсон А. Муҳиддин, С. Абдуқаҳҳор ва бошқа бир қанча қаламкашларга хосдир. Сатирик учун характерли, муҳим бўлган воқеаларни ҳаётдан танлаб олишгина кифоя қилмайди, балки уларни катта санъаткорлик билан умумлаштириш, типиклаштириш, шахсларни индивидуаллаштириш усулини ҳам билиш керак. Маълумки типиклаштириш бадиийликнинг энг муҳим шартидир.

Типиклаштиришни тўғри тушуниш ва уни кенг қўллаш, адабиёт, шу жумладан, сатирани ғоявий-бадиий савиясини кўтариш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Характерли воқеаларни танлай олмаслик, уларни чуқур типиклаштирабилмаслик асар ғоясини, автор мақсадини ҳиралаштиришга, унинг таъсир кучини йўқотишга, фош қилиш қувватини ўтмаслантиришга олиб боради.

Мисол учун С. Абдуқаҳҳорнинг «Муҳим топшириқ» ҳикоясини олайлик. Бу асарда кино оператори пахта планини бажарган илғор колхозчиларнинг суратини олишга бормоқчи бўлиб, адашиб қолоқ колхозда бўлиб, бригадирларнинг суратларини олиб, кейин кўрсатилган колхозда эмаслигини билиб, раҳбарлардан хафа бўлиб кетади. Келгуси йилда қолоқ колхоз пахта планини бажаради, у оператор расм олгани келади. Шу билан воқеа тамом бўлади. Автор нима демоқчи? Мақсад аниқ эмас, шунинг учун ҳам асарда сарқит ва иллатларни фош қилиш қуввати кучсиз.

С. Абдулланинг «Ўғрини қароқчи урипти», «Ота ва Ўғил», К. Муҳамедовнинг «Қори ака» асарлари шунга ўхшаш нуқсонларга эга.

Нуқсонлардан қатъий назар, кичик ҳажмдаги сатирик асарларнинг яратилиши, албатта, жамоатчилигимизда маълум даражада ижобий роль ўйнайди. Лекин сатира соҳасида қилинган бу ишлар совет кишиларининг юксак талабларини тўла қондира олмайди.

Умуман олганимизда, ўзбек совет сатираси ҳаётдан, жамиятнинг ривожланишидан орқада қолмоқда. Сатира кераклигича тараққий эттирилмаётир. Ҳанузгача биронта тўла сатирик роман, поэмалар ёзилганича йўқ. Йирик сатирик полотноларнинг деярлик йўқлиги натижасида ҳаётимиздаги кенг, мураккаб, бир қанча типик ҳодисалар ҳартомонлама ёритилмасдан қолиб кетмоқда.

Воқелигимизда учраб келмоқда бўлган сарқитлар — танқидни бўғиш, порахўрлик, текинхўрлик, меҳнатга совуққонлик билан қараш, лаганбардорлик, бюрократлик, обивателлик хусусиятларини шафқатсиз қоралайдиган, уларни илдиз-томири билан қўпориб ташлайдиган, кенг типиклаштириш усули ёрдами билан кучли таъсир қила оладиган, нуқсонларни йўқотиш учун жамоатчиликни сафарбар эта оладиган йирик сатирик асарлар жуда кам миқдордагина майдонга келди.

Ҳалигача ўзбек совет сатирасида меҳнаткашларнинг иш фаолиятларида учраган нуқсонлар етарли даражада акс эттирилганича йўқ. Сатирикларимизнинг асосий вазифаси шонли ишчиларимиз ва меҳнаткаш деҳқонларимизнинг олдинги интилишларига тўсиқ бўлган бутун сарқит ва нуқсонларни сатира ўти билан куйдириб ташлашдан иборатдир.

Ўзбек совет сатираси кўпроқ ўз тизини маиший соҳадаги ҳамда оиладаги сарқитларга қаратди. Кўп сатирик асарларда оила масалалари тор рамкада, кенг умумлашмасиз ёритилди. Тўғри, баъзи асарларда эса маиший темадан чиқишга уринилган, ҳодисалар кенгроқ типиклаштирилишига ҳаракат қилинган. Лекин кейинги йилларда яратилган талай асарларда муҳим масалалар, катта вазифалар етарлича ўз аксини топа олмаган.

Ўзбек совет сатириклари бой, мураккаб ҳаётимизни яна ҳам чуқурроқ, ҳар томонлама ўрганиб, воқелигимиздаги қарама-қаршиликларни ифодалайдиган, капитализмнинг ҳар қандай кўринишларини таг-томири билан куйдириб ташлайдиган, чуқур умумлаштирмага эга бўлган ҳодисаларни кенг типиклаштирган янги-янги ўткир тирли сатирик асарлар яратишлари керак.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.
Филология фанлари кандидати.

[1] «Сатира ва юмор» Ўздавнашр, Тошкент. 1956 йил.

[2] «Биз кимлардан куламиз», «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти, Тошкент, 1957 йил.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 5/IV да **Юрак сирлари**, 6/IV да кундуз **Жазоир, менинг ватаним!**, кечқурун **Отелло**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Бербери арслонларини ўргатувчи В. Денисов гастроллари, Бурят-мўғул аттракциони** ва бошқа номерлар. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилади. Якшанба куни 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **«Уч денгиз оша»** (Афанасий Никитин) — 1 ва 2-серия.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Июнь кунлари**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Икки океан сири** (1 ва 2-серия), кундуз 1 ва 2 яримда **Граф харобаларида**, қолган сеансларда **Июнь кунлари**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ

Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан **янги ташкил этилаётган ЎЗБЕК ЭСТРАДА ОРКЕСТРИГА:**

скрипкачи, виолончелист, контрбасчи, аккордеонист, тромбонист, трубач, кларнетист-саксофончи, гитарист, рубобчи, қўшнайчи, чангчи, найчи, доирачи ва барабанчилар, раққос ва раққосалар

ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН

КОНКУРС

Эълон қилади

Конкурс 10 апрелдан 16 апрелгача ўтказилади.

Аризалар ҳар куни эрталаб соат 10 дан кундуз 4 гача кадрлар бўлимида қабул қилинади (Навоий кўчаси, 69-уй). Телефон — 40-092, 43-921, қўшимча телефон — 61.

Биринчи тур 10 апрелда, иккинчи тур — 14 апрелда, учинчи тур — 16 апрелда бўлади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6/IV кундуз соат 4 да ЎЗБЕК МУЗИКА ЛЕКТОРИЙСИ **«Ўзбек мақомлари»** деган темада

2-лекция-концерт

Лектор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Илёс Каримов**.

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Тургунбоева, Фотима Борухова**, Ўзбекистон халқ ҳофизлари **Акбар Ҳайдаров, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Эшмат Ҳайдаров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мавлуда Аъзамова, Эргаш Шукруллаев, Саиджон Калонов, Карим Алиев** ва филармония солистлари қатнашади.

Билетлар кассада сотилади. 4 ва 5-абонемент ярайди.

ЮҚУМЛИ МЕЪДА-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАҚИДАГИ ИШИ ТЕГИШЛИ ЭМАС

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1958 йил 18 март № 2 Тошкент шаҳри

Областнинг шаҳар ва районларида меъда-ичак касалликларининг тарқалишига йўл қўймаслик учун, Тошкент область ижроия комитети қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

1. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан тасдиқланган 1950 йил 1 ноябрдаги инструкцияга мувофиқ, 1958 йил 15 майгача даврда аҳолини юқумли меъда-ичак касалликларига қарши эмлаш ишлари ўтказилсин.

2. Корхона, муассаса раҳбарлари, совхоз директорлари, колхозларнинг, қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари юқумли ичак касалликларининг олдини олиш учун эмлаш ишларини ўтказишда соғлиқни сақлаш органларига зарур шароит яратиб беришлари лозим.

3. Эмлашдан бош тортган кишилар 100 сўмгача миқдорда штраф тўлашга тортилсин.

4. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш областнинг юқумли касалликларга қарши курашувчи санитария хизматига юклансин.

5. Шу мажбурий фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент области территориясида жорий этилади.

Эслатма. Фақат медицина жиҳатдан озод қилинган гражданлар эмланмайди.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
Х. ЖАЛИЛОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
Х. ҚОБИЛОВ.

Керченская кўча, 20-уйда турувчи **Дина Израйловна Холиқованинг** шу уйда турувчи Муқум Бобоевич Холиқовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

Ўзгариш кўча, Машҳур проезд, 7-уйда турувчи **Мидхат Шайдулович Ширяевнинг** Олмазор кўча, 138-уйда турувчи Кашифа Мустафутдиновна Ширяева (Абушаева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05312. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-445.